

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚОЛПАҚ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАРИХ-ҲУҚУҚ ФАКУЛЬТЕТИ

**Жиноят ҳуқуқи, процесси ва криминалистика
кафедраси**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “ Прокуратура органлари ходимларига
қўйиладиган талаблар”.**

«Ҳимояга рухсат бераман»

Жиноят ҳуқуқи, процесси ва криминалистика
кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди
С.Ш.Утемуратова_____

Бажарган:

Ҳосилбеков Акмал

тарих-ҳуқуқ факультети
юриспруденция мутахассислигининг
4- курс талабаси.

Илмий раҳбар:

И.А.Матжанов

Жиноят ҳуқуқи, процесси ва
криминалистика кафедраси доценти
в.б., юридик фанлар номзоди

Нукус-2013.

Режа.....	2
Кириш.....	3

I-БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАДАНИЯТИ ВА УНИ ЮКСАЛТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....7

§.1. Прокуратура органлари ходимларининг касбий маданиятига қўйилган талаблар ва уни юксалтириш истиқболлари.....7

§.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарларида прокуратура органларида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ишини такомиллаштириш масалалари14

II-БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.....22

§.1. Прокуратура органларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш.....22

§.2. Прокуратура органларига ёшларни ишга қабул қилиш, лавозимларга тайёрлаш ва тарбиялашда қўйиладиган талаблар.....31

§.3. Прокуратура органларида лавозимларга тайинладиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар.....46

Хулоса.....55

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....59

Кириш

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин мамлакатимизда давлат – ҳуқуқ усткурмасини ва унинг алоҳида тармоқларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилди. Зеро, бусиз ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мумкин эмас. Ўз –ўзидан равшанки, бу жараён прокуратура органларини ҳам қамраб олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган алоҳида XXIV бобда прокуратуранинг мақоми ва фаолияти, унинг принциплари белгилаб берилган. «Прокуратура, - деб таъкидлаган эди Республикамиз Президенти И.А. Каримов, - қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислоҳатларни утказишда, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал қилувчи ўрин тутди»¹. Мустақиллик – бу улугъ неъмат, бугунимиз ва келажагимиз гарови. Ушбу аснода эътироф этишимиз лозимки, давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли асаридан давлатимизнинг буюк келажагини яратиш йўлида мустақилликнинг нақадар зарурлиги, давлатимиз мустақиллигининг осонликча қўлга киритилмаганлиги ва мустақилликка эришиш йўлидан қанчадан-қанча ишларнинг амалга оширилганлигини англашимизга бўлади.² Шунингдек, алоҳида эътироф этиш лозимки, мустақиллик шарафати туфайли давлатимизда иқтисодий ўсиш суръати юқорилаб бормоқда ва мазкур жараён халқаро ҳамжамият томонидан тан олинмоқда³. Шу боис, давлатимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ва унинг ижтимоий ҳимояси давлатимизда олий қадрият сифатида баҳоланади⁴.

¹ Каримов И.А. Адолат - қонун устуворлигида. Ўзбекистон Республикаси II-чақириқ Олий Мажлиснинг VI-сессиясидаги маъруза. // Халқ сўзи.2000. 30-август.

² Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 3-32.

³ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б. 5.

⁴ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир // Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. / Халқ сўзи, 2012 йил, 8 декабр.

Ўзбекистон мустақиллиги даврида амалда прокуратура тўғрисидаги иккита қонун қабул қилинди. Булар – 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» ги (янги таҳрирдаги) 2001 йил 29 август Қонунидир¹. Қонунга тузатишлар киритишда Президентимиз И.А. Каримов бевосита иштирок этиб, прокуратуранинг давлат органлари тизимидаги урнини белгилаб бериш билан бир қаторда унинг вазифаларини ҳам аниқ-равшан таърифлаб бердилар.

Прокуратуранинг мустақиллигини принципини ҳаётга оғишмай татбиқ қилиш, прокурорларнинг ваколатларига кирувчи, айниқса жиноят ишларини тергов қилиш ва судда қуриш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилишда уларга нисбатан ҳар қандай тарзда таъийқ ўтказишга уринишларни бартараф этиш прокуратура органлари фаолиятининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади². Таъкидлаш жоизки, жиноят ишларини тергов қилиш ва судда қуришда прокуратура органларидан нафақат юксак касбий билимлар, балки маънавий-ахлоқий етуклик ҳам талаб қилинади.

Давлатимизда барча қонунларнинг ижросини назорат қиладиган орган, бу – прокуратура ҳисобланади. Демак, прокуратура органлари ходимларининг ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан ва виждонан бажариши давлат, жамият ва шахс учун муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, прокуратура органларида кадрларни тўғри танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, уларнинг касб маҳорати ва малакасини оширишни талаб этади ва прокуратура органлари ходимларига қатор хизмат талабларининг қўйилишини эътироф этади. Асосий эътибор ходимларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарликни ошириш, ўз ишининг устаси бўлиб шаклланишига эришишга қаратилмоғи лозим. Ва, мазкур жараён менинг битирув малакавий ишимнинг бош мавзусини танглаб

¹ Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. - 2001. - №9-10. - С. 261

² Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар / Муаллифлар жамоаси – Т.: 2001. – Б. 537.

олишимга асос бўлди.

Битирув малакавий иши прокуратура органлари ходимларининг касбий маданиятига қўйилган талаблар ва уни юксалтириш истиқболлари ва прокуратура органларига ёшларни ишга қабул қилиш, лавозимларга тайёрлаш ва тарбиялашда қўйиладиган талабларнинг ҳуқуқий аҳамиятига қаратилган.

Прокуратура органлари ходимларига қўйиладиган талаблар ва уларнинг ҳуқуқий аҳамияти ҳақидаги масалалар давлатимизнинг қатор ҳуқуқшунос-олимларининг диққат марказида бўлган. Жумладан, Ғ.Абдумажидов, З.Ф.Иноғомжонова, А.Давлетов, Б.Х.Пўлатов, А.Т.Алламуратов, Т.А.Умаров, О.Набиев, Х.Одилқориев, Ф.Жовлиев, Ғ.Шодиев¹ ва бошқалар ўз илмий ишларида прокуратура органлари ходимларига қўйиладиган талабларнинг ҳуқуқий аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилганлар.

Битирув малакавий иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг меҳнатларига, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига, амалдаги қонунчиликка ва мавзуга доир адабиётлар асосида ишланган.

Битирув малакавий иши асосан кириш қисмидан, икки боб ва хулоса

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.Абдумажидов. – Т.: ТДЮИ, 2009.; Жиноят процесси (умумий қисм): Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик (Иноғомжонова З.Ф.нинг умумий тахрири остида).-Т.:ТДЮИ,2008.; Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати: дарслик / Б.Х.Пўлатов; масъул муҳаррирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқ. – Т.: «O'zbekiston», 2009.; Пўлатов Б.Х. Судларда жиноят иши кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. – Т.: Nisim, 2004; Давлетов А.Д. Прокурорский надзор: учебник. – Нукус. «Билим», 1999.; Набиев О. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари касбий маданиятини юксалтириш масалалари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. – 2012. 4(12)-сон. – Т.: Мир полиграфии, 2012. – Б. 6.; Одилқориев Х. Суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида касбий ҳуқуқий маданиятни юксалтириш муаммолари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. – 2012. 4(12)-сон. – Т.: Мир полиграфии, 2012. – Б. 12.; Жовлиев Ф. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари касбий маданияти тавсифи // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. – 2012. 4(12)-сон. – Т.: Мир полиграфии, 2012. – Б. 22.; Шодиев Ғ. Жиноят процессида суд назорати: тушунчаси, турлари // Фан ва Ёшлар. Махсус сон. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 191-193.

қисмидан иборат.

Биринчи боб прокуратура органлари ходимларининг касбий маданияти ва уни юксалтириш истиқболларига йўналтирилиб, мазкур бобда прокуратура органлари ходимларининг касбий маданиятига қўйилган талаблар ва уни юксалтириш истиқболлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарларидаги прокуратура органларида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ишини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинади.

Иккинчи боб прокуратура органлари ходимларига қўйиладиган талабларга қаратилиб, мазкур бобда прокуратура органларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, прокуратура органларига ёшларни ишга қабул қилиш, лавозимларга тайёрлаш ва тарбиялашда қўйиладиган талаблар ва прокуратура органларида лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар илимий таҳлил қилинади.

I-БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАДАНИЯТИ ВА УНИ ЮКСАЛТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

§.1. Прокуратура органлари ходимларининг касбий маданиятига қўйилган талаблар ва уни юксалтириш истиқболлари

Энг биринчи навбатда прокуратура ва прокурор атамаларига эътибор берсак. «Прокуратура» атамаси лотинча «prokuro» сўзидан олинган бўлиб, «қайғураман», «ғамхўрлик қиламан», «ҳимоя қиламан», «таъминлайман», «бартараф этаман» каби маъноларни англатади. Прокурор эса, прокурор назоратини амалга ошириш учун маълум ваколатлар билан таъминланган лавозимли шахс¹.

Прокурорлар ҳамма вақт жиноят процесси ичида бўлиб келган ҳамда вақти-вақти билан ислоҳатлар жараёнини бошдан кечирган. Прокурор назоратининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти сиёсий тузумга ва тегишили ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликка боғлиқ бўлиб келган.² Бу ҳол ўз навбатида жиноят – процессуал қонунчилик мазмунига ҳам ўз таъсирини ўтказган, яъни у қонунийлик ҳолатини мустақамлашга ҳамда жиноятчиликка қарши кўрашга қаратилган бўлиши лозим эди.

Келтирилган атамаларга қараб, «прокуратура» сўзининг икки хил маъноси ҳақида фикр юритиш мумкин, деб таъкидлайди мазкур соҳадаги машҳур олим, профессор Б.Х.Пўлатов. Яъни, бу сўзни кенг маънода назоратни амалга оширувчи давлат органи сифатида тушиниш мумкин. Тор маънода эса бошқа ҳокимият тармоқларига кирмайдиган, назоратни амалга оширишги мўлжалланган махсус давлат органлари тизими тушунилади.³

Жиноят-процессуал кодексининг 18-моддасида «Суд ва прокурор қонунга хилоф равишда озодликдан махрум этилган ёки қонун ёҳуд суд

¹ Қаранг: Юридический словарь / Сост., предисл., прилож. А.Ф.Никитина. – М.: ОЛМА-ПРЕСС Образование, 2004. – Б. 457; Юридикалык терминлардин қарақалпақша түсиндирме сўзлиги / Дүзиўшилер: Пегенов Ж., Тилеўов Е., Есбергенов Р. – Нўкис, «Қарақалпақстан» баспасы, 2003. – Б. 47-48.

² Мельников Н.В. Прокурорская власть. // Государство и право. - 2002. - №2. - Б.14-20.

³ Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. – Т.: U'zbekiston, 2009. – Б. 8.

хукмида назарда тутилганидан ортиқ мудат хибсда ушлаб турилган ёки камоқда сақланган ҳар қандай шахсни дархол озод қилиши шарт»лигига урғу берилди. Бу ўринда, прокурорнинг суриштирувчи ва терговчилар ҳаракатига нисбатан муносабати назарда тутилган, чунки судда шахсни хибсдан озод қилиш унинг ваколатига кирмайди¹.

Асосийси, судда айблов, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан ажратилган, бу эса суд муҳокамасида томонларнинг ўзаро тортишувини таъминлайди.²

Давлат айбловчиси – прокурор ва жамоат айбловчилари суд муҳокамасида томонлар сифатида жиноят процессининг бошқа иштирокчилари билан бир каторга қўйилди ва улар, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат ҳомиячиси, шунунгдек жабрланувчи, фуқаравий даъвогар, фуқоравий жавобгар ва уларнинг вакиллари билан бирга суд мажлисида тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Бу эса, ўз навбатида, прокуратура ходимларидан юксак маданият ва маънавий етукликни талаб қилади.

Прокуратура органлари ходимларининг касбий маданиятини юксалтириш истиқболлари ўрганиш мобайнида мазкур тушунчаларнинг асосий илдизи ҳисобланган «маданият» сўзининг мазмун-моҳиятини англашимиз зарур. Таъкидлашимиз лозимки, прокуратура идоралари ходимлари қўйиладиган талаблар айнан уларнинг ахлоқий маданиятига ва сифатига қўйиладиган талаблардан келиб чиқади.

¹ Синалников Ю. Полномочия прокурора в доступном производстве по новому уголовно-процессуальному законодательству // Законность. - 2002. - №3. - Б.6-10.

² Макарова З. Состязательность нужна, но какая? // Законность. – 1999. - №3. - Б.24-27; Коньтов И. Нужна – ли такая состязательность? // Законность. – 1998. - №9. - Б.25-28.

«Маданият» сўзи Мадина шаҳри номи билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан.

Мадина – тўлиқ арабча номи Мадина Расулиллоҳ, яъни Пайғамбар шаҳри ҳисобланиб, ободончилиги, кўркамлиги билан Арабистондаги аҳоли яшайдиган бошқа манзилгоҳлардан ажралиб турар эди. Шунингдек, Мадина Маккадан кейин мусулмонлар ибодат қиладиган энг йирик шаҳардир. Шу тариқа маданият сўзи бизнинг ўлкамизга Мадина номи билан, Ислом дини билан боғлиқ ҳолда кириб келган¹.

Маданият ва маънавият ҳақида таълимотларни чуқур ва мукаммал билиш барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, айниқса, прокуратура органлари ходимлари учун муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бошлиқлари, мутахассислар, оддий кишилар сингари ҳуқуқшунослар, судьялар, прокурорлар ва бошқа соҳа ходимлари учун ҳам маданият ва маънавият таълимотларини англаш ўта муҳим ва фойдалидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг 2005 йил 7 апрелдаги 45-сонли бўйруғи билан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ходимларининг касб одобномаси тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ходимларининг касб одобномаси ахлоқ-одоб нормаларига риоя килинган ҳолда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, инсон ва унинг шаъни, қадриятларини сидқидилдан, виждонан, фақат қонунга бўйсунган ҳолда ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган қоидалардан иборат².

¹ Набиев О. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари касбий маданиятини юксалтириш масалалари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. – 2012. 4(12)-сон. – Т.: Мир полиграфии, 2012. – Б. 6.

² Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг 2005 йил 7 апрелдаги 45-сонли бўйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ходимларининг касб одобномаси» // Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг бўйруқлари. – Т.: 2006. – Б. 488.

Жиноятни очиш, жиноятчини топиш, айбдорнинг – гумон қилинаётган шахснинг айби ёки қилмишини бўйнига қўйиб исботлаш, ҳақиқатни қарор топтириш мутахассисдан наинки профессионал билим ва маҳоратни, айти пайтда катта тажриба ҳамда нозик руҳшуносликни, кўрс-қўпол бўлмасликни, катта-кичик далиллар, ҳатто бир қарашда содир бўлган ҳодисага бевосита даҳли бўлмаган воқеалар, ҳатти-ҳаракатлар, фактлар, далиллар, мантикий таҳлил ва муқоясани яҳлит бир тизимгша солиш ҳамда сирли, шубҳали нуқталарни ички бир туйғу билан нозик ҳис қилиш санъатини ишонарли тарзда билишни ҳам талаб қилади. Шу маънода, прокуратура терговчиси жиноят деб аталмиш «саҳна»нинг «жарроҳи»га, образли қилиб айтганда «ташҳисчи»сига, тадқиқотчисига айланади. Кўриниб тўрганидек, тергов жараёни жуда оғир бўлиши билан бир қаторда ўта масъулиятлиҳамдир. Мана шунинг ўзи ҳам жараённинг ўзи соф маънавий-ахлоқий ҳодиса эканлигини англаиб турибди¹.

Агар прокуратура терговчиси ўз фаолиятида қонунларга ва ҳуқуқнинг умумий асосларига таянган ва улардан оғишмаган ҳолда иш тутса, лекин, шу аснода ахлоқ ва одоб қоидаларига эътибор бермаса, бу қилмиши билан у ўз бурчига садоқат билан ёндашмаган ҳисобланади. Сабаби, прокуратура терговчисининг қонун ва ҳуқуқ асосларини ҳимоя қилиш билан бирга турадиган яна бир муқаддас бурчи, бу – маънавият ва ахлоқни сақлаши, фуқароларга ҳурмат билан мунасобатда бўлишидир.

Шу аснода алоҳида эътибор қаратишимиз лозимки, давлатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий мақсадлари ҳисобланган ғоявий, кадрлар корпусини шакллантириш, молиявий-моддий

¹ Набиев О. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари касбий маданиятини юксалтириш масалалари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. – 2012. 4(12)-сон. – Т.: Мир полиграфии, 2012. – Б. 6.

жихатлардан ташқари, маънавий-ахлоқий, аксиологик-маданий, ижтимоий-маърифий жихатлар билан ҳам тавсифланади¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ҳам ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгнинг нақадар муҳим аҳамият касб этишини билдириб, қўйидаги фикрларини уқтиради: «Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жихатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг йетуклик кўрсаткичидир.

Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди, деб ўйлайман»².

Прокуратура органлари ходимларининг касбий маданиятини таҳлил қилиш ва уни ривожлантиришда кўпчилик юрист-олимларимиз ўзларининг баҳоли фикрларини билдирип ўтади. Шу жумладан, юрист-олим Ф.Жовлиев «Касбий маданият муаммоси билан боғлиқ қарашларни ўрганиш ва умулаштириш касбий маданият абстракт ҳолда эмас, балки касбий

¹ Одиқориев Х. Суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида касбий ҳуқуқий маданиятни юксалтириш муаммолари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. – 2012. 4(12)-сон. – Т.: Мир полиграфии, 2012. – Б. 12.

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12-ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь, № 220 (5135).

фаолиятнинг муайян тури билан боғлиқ деган хулосага келишга имконият беради. Бу ўз навбатида касбий маданиятнинг муайян турлари ва шакллари тадқиқ этишни тақоза этади. Бу ерда касбий маданиятнинг ўзига хос шакли, касбий фаолиятнинг у ёки бу турига тегишлилиги ҳақида сўз юритилаётган бўлиб, унга кўра, ҳуқуқшунос, ўқитувчи, сиёсатчи, ҳарбий хизматчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг касбий маданияти тўғрисида сўз юритиш мумкин»¹ дея ўз фикрларини баён этади. Дарҳақиқат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, шу жумладан, прокуратура органлари ходимларининг юксак касбий маданиятга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Ва, шу аснода алоҳида эътироф этиш лозимки, прокуратура органлари ходимларида ҳозирги даврда муҳим саналган касбий ва ахлоқий маданият шаклланиган.

Касбий маданият ходисаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда фаолият юритаётган ходим асосида кўриб чиқиш жараёнида иккита бир-бирига боғлиқ ва бир-биридан келиб чиқувчи мезонларни кўриш мумкин: биринчидан, ходимнинг касбий маданияти ижтимоий ҳаёт воқелиги ҳамда касбий маданиятига кўр; иккинчидан, бир-бирига алоқадар бўлган кишилар катта гуруҳининг субмаданияти.

Умуман олганда, касбий маданият субъекти касбий гуруҳ бўлиб, унинг шаклланиши қўйидаги гуруҳда бўлиши мумкин:

- а) меҳнатнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларининг ухшашиги;
- б) улар меҳнатининг бир-бирига мослиги;
- в) касбий фаолият учун махсус билимлар мазмуни ва ҳажмининг мавжудлиги;
- г) амалиётда мазкур фаолиятга тегишли умумий услуб ва воситаларнинг қўлланилиши;

¹ Жовлиев Ф. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари касбий маданияти тавсифи // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. – 2012. 4(12)-сон. – Т.: Мир полиграфии, 2012. – Б. 22.

д) гуруҳ аъзолари менталитетининг умумийлиги.

Шунингдек, бунга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимига кадрлар тайёрлашнинг умуммиллий тизимининг мавжудлиги ҳам киради¹.

Таъкидлашимиз лозимки, барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан бир қаторда, прокуратура органлари ходимлари ҳам касбий маданият талабларини сақлаши муҳим аҳамият касб этади. Прокуратура органлари ходимларининг касбий маданиятига қўйилган талаблар ва уни юксалтириш истиқболлари эса, ўз навбатида, прокуратура органлари ходимларининг ўз бурчларини тўла бажариб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек юксак шарафли мажбурият билан боғлиқдир.

Прокуратура органлари ходимларининг касбий маданиятига қўйилган талаблар ва уни юксалтириш истиқболлари, кўпчилик ҳолатларда, прокуратура органлари ходимларининг иш сифатини оширишга тўғридан-тўғри ижобий таъсир этади. Чунки, юксак касбий маданиятга эга бўлган прокурор, прокуратура терговчиси, прокурор ёрдамчиси ва прокуратура органларида хизмат кўрсатаётган ҳарқандай шахс ўз вазифасини виждонан бажаради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари фаолиятининг, шу жумладан прокуратура органлари ходимларининг мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, ўз навбатида, тарбиячи ходимлар, яъни жинойт ҳамда бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини

¹ Жовлиев Ф. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари касбий маданияти тавсифи // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. – 2012. 4(12)-сон. – Т.: Мир полиграфии, 2012. – Б. 23.

химоя қилиш, вояга етмаганлар билан ишлаш, жамиятга зарар етказувчи бошқа харқандай ҳуқуқбузарлар билан тарбиявий ишларни олиб бориш кундалик иш фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади¹.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг, шу жумладан прокуратура органлари ходимларининг касбий анъаналари ва урф-одатлари, хизмат хусусиятлари, меъёрий ҳужжатлар ва жамоатчилик фикри улар касбий маданиятининг асосий манбалари бўлиб хизмат қилади.

§.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарларида прокуратура органларида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ишини такомиллаштириш масалалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарларида прокуратура органларида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ишини такомиллаштириш масалалари кенг ёритилган ва, мазкур масала юзасидан кўплаб баҳоли ва чуқур мантиққа асосланган фикрлар келтирилган². Таъкидлашимиз лозимки, давлатимиз раҳбарининг асарларида келтирилган ва прокуратура органларида юқори касбий ва ахлоқий сифатларга эга ҳисобланган кадрларни тарбиялаш бўйича келтирилган тавсиялари ҳозирда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов ўз маърузаларида қўйидаги фикрларга ўз эътиборини қаратиб ўтганди “Биз мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва

¹ Жовлиев Ф. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари касбий маданияти тавсифи // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. – 2012. 4(12)-сон. – Т.: Мир полиграфии, 2012. – Б. 23.

² Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. / Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 16.; Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қулимиз билан қураимиз. 7-сон. - Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 253.; Каримов И.А. Барқарор тараққиётга эришиш- устувор вазифа. / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 1998 йил 25 феврал. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - 17 б.; Каримов И.А. Адолат-қонун устуворлигида. // Халқ сўзи. 2001, 30 авг.; Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Халқ сўзи. 2002. 30 авг.; ва ҳ.к.

эркинликларини энг олий ва устивор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқларни кўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳирлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир”.¹

Бугун биз янги давлат, янги жамиятда яшаб, фаолият юритаяпмиз. Бунда ижтимоий-иқтисодий, маънавий, сиёсий муносабатлар одамларнинг онги ва тафаккури ҳам ўзига хос равишда кундан кунга ривожланиб бормоқда. Буларнинг барчаси янги қадриятлар ва демократик тамойилларга, адолатли жамият талабларига уйғунлашади. Бу жараёнларнинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, жамиятда, давлатда қонун устуворлигини таъминлаш, давлат ва фуқаро ўртасидаги турли янги муносабатлар шаклланиши, қолаверса, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлиги, шаъни ва қадр қимматини юқори даражага қўйилиши муҳим ўрин эгаллайди.

Бугун биз қураётган давлат ҳақиқий демократик давлат бўлиши йўлида давлатнинг ҳар бир фуқароси, унинг эртанги куни учун фидойилик кўрсатиши лозимдир. Зеро, бугунги жамиятни турли жабҳаларидаги соҳалар етук, ўз касбини ҳақиқий ардоқлайдиган, унинг учун бутун куч ғайрати билан меҳнат қиладиган кадрларга муҳтож. Шундай экан бу жамиятда ҳеч бир инсон лоқайд бўлиб қолиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш, қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, каттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва

¹ Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устивор вазифамиздир // Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги 2006 йил 7 декабрдаги маърузаси. –Т.: “Ўзбекистон” 2007

анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди»¹ деган сўзлари ҳаётда ўз исботини тўла тўқис топмоқда.

Шу ўринда, «Ҳар бир инсон қалбида нафс балосидан, шайтон васвасасидан йироқ бўлиш, иймон ва инсоф, виждон ва адолатпарварлик туйғуларини уйғотиш зарур. Агар одамлар онгида шу инсоний туйғулар қарор топмас экан, ана шундай олижаноб фазилатлар жамиятимизда ҳукмрон бўлмас экан, давлат томонидан ўтказиладиган ҳар қандай чора-тадбирлар ҳам, суд прокуратура идораларининг фаолияти ҳам кутилган самарани бермайди»² деган сўзларини ҳам эслаб ўтиш жоиздир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти «Адолат-қонун устуворлигида» деб номланган ўз маърузасида «...прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча, унга хизмат қилмоғи даркор»..., «Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва контрол органларининг ҳуқуқий ҳужжатлар қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир»³ деб, алоҳида уқтирган эди. Прокурорлар халқни назорат қилишлари эмас, балки уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг ижросини назорат қилишлари ва ўз фаолият йўналишларини айнан шунга қаратишлари лозим. Авваламбор, дунё тарихига назар ташлайдиган бўлсак, прокуратура органининг дастлабки ташкил қилинишини ўзи айнан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун тузулган эди. Латинчада “procurator” - деган сўз, “ғамхўрлик қиламан”, “таъминлайман“, “ҳимоя қиламан“ деган мазмунни билдиради. Ҳозирги, юртбошимиз кўяётган талаблар ҳам айнан шундан иборатдир. Прокуратура идоралари, авваламбор, қонунларларни

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. / Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 16.

² Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қулимиз билан қураимиз. 7-сон. - Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 253.

³ Каримов И.А. Адолат-қонун устуворлигида. // Халқ сўзи. 2001, 30 авг.

аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириб, ўз фаолият ёъналишларида асосий мазмунни айнан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, фуқароларимиздан ташкил топган давлатимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратишлари лозимлиги талаб қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида «Қонуннинг устуворлиги – ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутлади. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунуш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир. Қонуннинг устуворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади»¹ деб таъкидланган. Қонун устуворлигини таъминлашда эса судларда жинойт ишларини кўрилишида прокурор иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Судларда жинойт ишларини кўрилишида прокурор иштирокининг асосий мақсади - иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш, содир этилган жинойт учун жазони муқаррарлигини таъминлаш, айбсиз шахсларни жавобгарликдан озод қилиш ва адолат ўрнатишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Қонун қабул қилиш – бу ишнинг ярми ҳолос. Уларнинг ҳаётга тўла татбиқ қилинишига эришиш даркор. Бунинг учун қабул қилинган қонунларнинг кундалик турмушимизда амалга ошишини таъминловчи таъсирчан механизм яратиш лозим»² дея билдирган фикрлари ҳам, шубҳасиз, чуқур мантиққа

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. / Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: 1998. – Б. 126.

² Каримов И.А. Халқимиз жипслиги – тинчлик тараққиёт гарови / Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 1998 йил 28 августдаги маърузаси. -Т.: Ўзбекистон, 1998.- Б. 7.

асосланган. «Мен ўз бурчи, ўз хизмат вазифасига кўра қабул қилинган қонунларнинг бажарилишига масъул бўлган шахслар ҳақида алоҳида тўхталишни истардим – деб таъкидлайди Юртбошимиз. Булар – қонунни муҳофаза қилувчи идоралар ва маъмурий органларнинг ходимларидир. Айни шу ходимларнинг хатти-ҳаракатига қараб, кўпчилик жамиятда қонун кучига қандай амал қилинаётганига, ҳуқуқий механизмлар нечоғли кучли эканига, ҳуқуқий жамият қай даражада етуклигига баҳо беради»¹.

Судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурор иштироки жиноят ишларини суд муҳокамасида ҳар томонлама, ҳолисона, тўла ва объектив равишда кўриб чиқиш лозимлиги ҳақидаги қонун талабларига сўзсиз риоя қилинишига, «Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги тўғрисида»ги Қонун талабларига амал қилинишига ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний муҳофазасини таъминлашга, судлар томонидан ҳар бир жиноят иши бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли ҳукм чиқарилишига қаратилгандир. «...ҳалқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидайди, лекин ҳеч қачон адолат бузилишига чидамайди»², дея таъкидлайди давлатимиз раҳбари. Прокурор жиноят иш юритувида жиноий таъқибни амалга оширар экан, судларда жиноят ишларини кўрилишида давлат айбловини қувватлайди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат томонидан муҳофаза қилиш вазифасини бажарувчи орган сифатида, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолати сифатида иштирок этади ва одил судловни амалга оширишда кўмаклашади.

Суд ҳуқуқ ислоҳоти навбатдаги босқичининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиши талаб этиладининг VI сессиясида сўзлаган

¹ Каримов И.А. Халқимиз жипслиги – тинчлик тараққиёт гарови / Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 1998 йил 28 августдаги маърузаси. -Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 10-11.

² Каримов И.А. Барқарор тараққиётга эришиш-устувор вазифа. / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза 1998 йил 25 феврал. - Т.: Ўзбекистон, 1998.-Б. 47.

нутқида аниқ ифодалаб берилди¹: «Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мазмунга айланмоғи керак. Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим»².

Шубҳасиз, суд муҳокамасида асосий ролни суд мажлисида раислик этувчи ёки суд ҳайъати ўйнайди. Чунки, айнан улар суд муҳокамаси мобайнида тарафлар томонидан процессуал қонун талабларига қатъий риоя қилинишини талаб қилиш ва тартибни бузган процесс иштирокчиларига нисбатан тегишли чора кўриш ваколатига эга бўлган масъул шахс ҳисобланадилар. «Ёнг муҳими, –деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари, – шу қонунларнинг бажарилиши учун жавобгар бўлган ҳокимият тузилмаларининг масъулиятини ошириш зарур»³.

2002 йилнинг 29 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ»⁴, деб таъкидлаб ўтди.

¹ Полвон-зода А.А., Абдумажидов Ғ.А. ва бошқ. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: Ислохотлар даври - Т.: Адолат, 2002. –Б. 19.

² Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари / Миллий давлатчилик, истиклол мафқураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. -Т.: ИИВ Академияси, 1999. –Б. 381-382.

³ Каримов И.А. Халқимиз жипслиги – тинчлик тараққиёт гарови / Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясидаги маъруза 1998 йил 28 август. - Т.: Ўзбекистон, 1998.-76.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари / Халқ сўзи. 2002. 30 авг.

Президентимиз И.А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон буюк келажак сари» номли асарида «Қонунчилик ва ҳуқуқ тартибот тантана қилмас экан, ҳуқуқий давлат қуришни тасаввур қилиб бўлмайди... Қонуннинг устуворлиги-ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир»¹, деб таъкидлаб ўтганлар.

«Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» деб номланган 2007 йил 30 август кунги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида прокуратура органлари учун ҳам эътиборга олиниши зарур бўлган беш тамойил баён этилган. Унда кўрсатилишича, «янги давлат ва жамият қуришда амалда ўзини тўла оқлаган қуйидаги беш тамойил асос қилиб олинди:

биринчидан – иқтисодиётнинг мафкурадан ҳолилиги ва унинг сиёсатдан устунлиги. Бошқача қилиб айтганда, аввал иқтисод, кейин сиёсат;

иккинчидан - давлатнинг ўзи эски тузумдан янги тузумга ўтиш давради бош ислохотчи бўлиши, яъни унинг мамлакатни давлатчилик, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда янгилашга қаратилган ислохотларнинг ташаббускори бўлиш вазифаиши талаб этиладии ўз зиммасига олиши;

учинчидан - қонун устуворлиги ёки барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;

тўртинчидан - кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг аҳолини ижтимоий ночор қатлам ва гуруҳларини қўллаб-қувватлаш борасида масъул бўлиши;

бешинчидан - ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш, «шок терапияси» деб аталган турли усуллардан воз кечиш. Бошқача қилиб айтганда, мамлакат инқилобий йўлдан эмас, балки тадрижий йўлдан ривожланиши керак. Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, ҳар

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998. –126 б.

қандай инқилобий йўл ҳамиша халққа зулм ва зўравонлик, қон тўқиш ва талофотлар келтирган»¹, дея чуқур мантиққа асосланган фикрларини келтириб ўтади.

Эътибор қаратишимиз лозимки, прокуратура органлари ходимларини чуқур малакавий тарбиялаш ва уларнинг ахлоқий-маданий қоидаларни сақлаши ҳақидага қарашлар давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 29 август Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VI-сессиясидаги «Адолат-Қонун устуворлигида» деб номланувчи маърузасида кенг ёритилган. Давлатимиз раҳбарининг мазкур асарида «Прокуратура қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислоҳотларни ўтказилишида, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал этувчи ўрин тутади», деб берган таърифлари бу идоранинг тутган ўрнини, салоҳиятини белгилайди. Ва, шу ўринда, «Афсуски, судьялар, прокуратура ва тергов органлари ходимлари, бир сўз билан айтганда, қабул қилинган янги қонунларни ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлган кишиларнинг дунёқараши ва тафаккури анча қийинчилик билан ўзгарапти. Буни аниқ тан олиш керак. Бизнинг бош вазифамиз - ўтмиш асоратларидан имкони борича тезроқ қутилишдир. Энг аввало, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларининг кучайишини ва амалда қўлланишини таъминлашимиз зарур» дея муҳим фикрларини баён қилади².

¹ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Том 16. – Т.: ЎЗБЕКИСТОН НМИУ, 2008. - Б.3-57.

² Каримов И.А. Адолат-қонун устуворлигида. // Халқ сўзи. 2001, 30 авг.

II-БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

§.1. Прокуратура органларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 17 февралдаги «Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида»ги 42-сонли бўйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида ёш мутахассисларнинг ишини ташкил этиш тўғрисида»ги Низомига мувофиқ Прокуратура органларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масаласини тартибга солинади¹.

Прокуратура органларига ишга қабул қилинаётган ёш ходимлар тегишлича Ўзбекистон Бош прокурори белгиладиган тартибда аттестациядан ўтишлари лозим. Ёш мутахассисларнинг ишларини пухта ташкил қилиш прокуратура органлари истиқболли фаолиятини таъминлашга қаратилади.

Прокуратура органларида барча йўналишлар бўйича назоратни самарали ташкил қилиш ёш кадрларга бевосита боғлиқдир. Прокуратура органлари олдида турган муҳим вазифаларни ҳал қилишда яхши касбий таёргарликка эга бўлган ҳолда сиёсий тайёргарликка эга бўлган ёш ходимлар бир қатор вазифаларни ҳал қилишда муҳим рол ўйнайдилар.

Прокуратура органларида хизмат қилаётган ходимлар ўз касбий фаолиятлари давомида ўз хизмат вазифаларини виждонан ва намунали бажарганлиги, ташаббускорлиги ва ишдаги эпчиллиги учун рағбатлантириладилар. Рағбатлантириш «Ўзбекистон Республикаси

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 17 февралдаги «Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида»ги 42-сонли бўйруғи // Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг бўйруқлари. – Т.: 2006. – Б. 488.

прокуратура органларининг ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисида»ги Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади. Рағбатлантириш: ташаккурнома, пул мукофоти, совға, қимматбаҳо совға, белгиланган муддат тугамасдан навбатдаги даражали унвон бериш, «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси фахрий ходими» кўкрак нишонини бериш каби турлари мавжуд.

Интизомий жазолар эса: ўртача ойлик иш ҳақининг 40 % дан бўлмаган миқдорда жарима солиш, хайвфсан, меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Ушбу интизомий жазолар прокуратура-тергов ходимларига шунингдек прокурор, прокуратурага қарашли ўқув, илмий ва бошқа муассасаларнинг ходимларига нисбатан ўз хизмат вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёхуд прокуратура ходими деган номга доғ туширадиган ножўя хатти-ҳаракат содир этганлиги учун қўлланилади.

Прокуратура органлари ходимлари бир қатор талабларга жавоб беришлари керак:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши керак;
- олий юридик маълумотга эга бўлиши керак;
- юксак ахлоқий хусусиятларга эга бўлиши керак;
- амалдаги қонунларни қўллай била олиши керак;
- тегишли касбий малакага эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 29 августдаги Қонуни 6-бўлим 43-моддасида прокуратура органларидаги лавозимларга тайинладиган шахсларга нисбатан қўлланиладиган талаблар акс эттирилган бўлиб, ушбу қонунга кўра «Прокуратура органларида прокурорлар, терговчилар ва иш ўрганувчилар лавозимига олий юридик маълумотга эга, зарурий касбий фазилатлари бўлган, зиммаларига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган Ўзбекистон Республикаси талаб этиладиинг фуқаролари тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси бош прокурори Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига 25 ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланади», делинган.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига прокуратура ходимлари олдига қўйилган талабларга қўшимча равишда яна иккита талаб мавжуд:

- 25 ёшдан кичик бўлмаган шахс бўлиши;
- камида 5 йиллик иш стажига эга бўлиши лозим.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Кадрлар бошқармаси тўғрисидаги 2004 йил 9-декабр 30-сон буйруғи ва шу буйруқ билан тасдиқланган Низом ҳам алоҳида ўрин тутди. Буйруқ ва Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11-мартдаги ПФ-3406 сонли Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг 13-моддасига асосан қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида»ги 2005 йил 17 феврал 42- сонли буйруғи мавжуд бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонунига мувофиқ прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳамда республиканинг конституциявий

тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва ҳукумат қарорларида мамлакатда иқтисодий-ижтимоий ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунларга риоя қилиниши устидан прокурорлик назоратини таъминлаш борасида ҳам прокуратура органлари олдиға масъулиятли вазифалар қўйилмоқда.

Прокуратура органлари, шу жумладан, Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютаға оид жиноятлар, жиноий даромадларни легаллаштиришға қарши курашиш департаменти органлари зиммасиға юклатилган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун аввало кадрларни тўғри танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, уларнинг касб-маҳорати ва малакасини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Асосий эътибор, ходимларнинг ўз ишиға бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарлигини ошириш, ўз ишининг устаси бўлиб шаклланишиға эришишға қаратилмоғи лозим.

Бу, ўз навбатида, ҳар бир прокуратура органи ходими чуқур билимға, зарур амалий тажрибаға эға бўлиши, ўзига юклатилган вазифаларни виждонан, ҳалол-пок, қатъиятлик, ташаббус ва намуна кўрсатиб адо этишини тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари юклатилган вазифаларни бажаришда кадрларни тўғри танлаш, тайинлаш, тарбиялаш ҳамда уларнинг касб-маҳорати ва малакасини ошириш прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш муҳим омиллардан бири эканлиги белгилаб қўйилган.

Прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конститусияси ва қонунлари талаблари аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт эканлиги алоҳида қайд этилиши талаб этилади.

Прокуратура органларида хизмат қилиш учун юридик олий ўқув юртлари, Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютаға оид жиноятлар,

жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органларида хизмат қилиш учун эса олий ўқув юртининг иқтисодий ва молиявий маълумоти, зарур касбий фазилатлари, соғлиғига кўра хизмат вазифаларини бажаришга қодир, судланмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилиш мумкинлигига эътибор қаратилиши талаб этилади.

Прокуратура органларига ишга қабул қилишда, биринчи навбатда, прокуратура органларида меҳнат қилаётган олий маълумотли техник ходимлар ҳамда прокурорларнинг жамоатчи ёрдамчи сафидан муносибларини танлашга алоҳида эътибор берилиши талаб этилади.

Республиканинг юридик, иқтисодиёт ва молия соҳасидаги ўқув юртлари билан тегишли мутахассислар тайёрлаш мавжуд алоқаларни янада мустаҳкамланиши талаб этилади.

Олий ўқув юртлари битирувчиларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси масъул ходимларидан иборат таркибда тузилган комиссия хулосасига асосан ишга қабул қилиш амалиётидан кенг фойдаланилиши талаб этилади. Прокуратура органларига илк бор ишга қабул ходимлар томонидан белгиланган тартибда қасамёд қабул қилиниши таъминланиши талаб этилади.

Прокуратура органларига ишга қабул қилинган мутахассисларни тарбиялаш, касб-маҳоратини ошириш чора кўрилиши талаб этилади. Ёш мутахассисларга тажрибали ходимлардан мураббий тайинланиши талаб этилади ва уларнинг бу борадаги масъулияти оширилиши талаб этилади ва туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар мураббийларнинг ёш ходимларни тарбиялаш борасидаги ҳисоб аттестация комиссияси йиғилиши ва тезкор мажлисларда олиб борилиши талаб этилади.

Ёш мутахассисларнинг иш ўрганиши даврида уларнинг прокуратурадан бошқасига ўтказиш ва уч йилгача юқори прокуратурага ишга ўтказишга йўл қўйилмаслиги талаб этилади. Алоҳида ҳолларда ушбу масала

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан ҳал қилиниши белгилаб қўйилиши талаб этилади¹.

Ходимларни кенг ҳажмли ишлар ва юқори лавозимлар учун захирага олиш ишлари яхшиланиши талаб этилади. Шу мақсадда кадрлар доимо ўрганиб борилиши талаб этилади, захирага қобилиятли, ташаббускор, билимдон ходимларнинг киритилиши таъминланиши талаб этилади. Захира рўйхатлари тегишли прокуратураларнинг ҳайъат мажлислари, Департаментнинг тезкор йиғилишларида муҳокама қилиниши талаб этилади. Лавозимларга тайинлашда биринчи навбатда захира рўйхатлари инобатга олинishi талаб этилади. Интизомий жавобгарликка тортилган ва ножўя хатти-ҳаракат содир этган ходимлар захирадан чиқарилиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятлар, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментидаги меҳнат фаолиятида тажриба орттирган, ташаббус кўрсатиб, ўз хизмат вазифаларини виждонан, намунали бажараётган ходимларни раҳбарлик ва масъулиятли лавозимларга тайинлашда уларга имтиёзлар берилиши талаб этилади.

Туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда Департаментнинг жойлардаги бўлимлари бошлиқлари лавозимларига, қоида тариқасида, прокуратура органларида ва мутахассислиги бўйича камида беш йил ишлаган, ўз ишининг устаси бўлган, масъулият ва шахсий жавобгарликни ҳис этувчи муносиб ходимлар тайинланиши белгилаб қўйилиши талаб этилади.

Прокурорлар фаолиятини баҳолашда қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005йил 17 февралдаги «Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида»ги 42-сонли буйруғи // Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари. – Т.: 2006. – Б. 488.

манфаатларини химоя қилишнинг таъминланиши эканлигига алоҳида эътибор қаратилиши талаб этилади.

Ўз иш фаолияти даврида тегишли ҳудудда қонунлар ижроси устидан лозим даражада назорат ўрнатилишини таъминлай олмаган туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига такроран кўрсатилишига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги қонун талабларига қатъий риоя қилиниши талаб этилади.

Шунингдек, ўзларига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажариш чораларини кўрмаган, солиқ ва иқтисодиёт соҳасидаги жиддий қонун бузилишларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш борасидаги ишларини тўғри ташкил қила олмаган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятлар, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари бошлиқларини қайта бундай лавозимларга тавсия этилишига йўл қўйилмаслиги талаб этилади.

Ходимларни ишга қабул қилиш, бошқа лавозимларга ўтказиш, юқори лавозимларга тайинлаш, вазифасидан озод қилиш ҳамда прокуратура органларидан бўшатиш масалаларини ҳал қилишга ҳолислик билан ёндошилиши талаб этилади, бунинг асослари ҳар бир ҳолатда раҳбарнинг шахсан ўзи томонидан иши талаб этиладичковлик билан ўрганиб чиқилиши талаб этилади ва қонун талаби асосида ҳал қилиниши талаб этилади.

Прокуратура органлари ходимларига улар фаолият кўрсатаётган ҳудудда оила аъзолари билан яшаши учун қонун доирасида, мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда шароитлар яратиб бериш чоралари кўрилиши талаб этилади. Оилавий шароити ёки бошқа узрли сабаблар билан бошқа жойга кўчиб кетиш зарурияти туфайли ишдан бўшатиш ва бошқа ҳудудга ишга ўтказиш тўғрисида ариза берган ходимларни прокуратура органларидан бўшатмасдан, доимий яшаш учун борган жойига ишга ўтказишда уларга ёрдам бериш чоралари кўрилиши талаб этилади.

Кадрларни ўз хизмат бурчига садоқат, маънавий юксаклик руҳида тарбиялаш ишларига жиддий эътибор қаратилиши талаб этилади. Уларнинг касбига фидоийлиги, содиқлиги, шахсий қобилияти амалий фаолиятда ишига баҳо берилиши талаб этилади. Ҳар бир жамоада масъулият ва талабчанлик, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш ҳамда юксак маданият асосида соғлом муҳитнинг яратилиши таъминланиши талаб этилади. Ходимларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарлигини ошириш ҳамда ўз ишининг устаси бўлиб шаклланиб боришига алоҳида эътибор қаратилиши талаб этилади. Ўз хизмат вазифаларини намунали бажараётган ходимлар ўз вақтида рағбатлантирилиб борилиши талаб этилади. Даражали унвонлар бериш белгиланган муддатларда ва хизмат бурчини бажаришда эришган ижобий натижаларига қараб амалга оширилиши талаб этилади.

Шунингдек, прокуратура органлари ходимлари томонидан ножўя хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш чоралари кўриб борилиши талаб этилади. «Прокуратура ходими» деган номга доғ туширувчи хатти-ҳаракат содир этиш фавқулодда ҳодиса, деб қаралиши талаб этилади. Бундай ҳолларда ходимларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши талаб этилади.

Айни вақтда, ходимларга нисбатан интизомий чораларнинг қонунда белгиланган тартибда, адолатли қўлланилиши таъминланиши талаб этилади.

Ходим шахси ва оилавий аҳволи ҳақидаги маълумотларда ўзгаришлар бўлганида, шунингдек, яқин қариндошлари жиноят содир этганлиги учун судланганида шахсий йиғмажилдига қайд қилинишини таъминлаш учун тегишли кадрлар хизматига бу ҳақда маълум қилиши белгилаб қўйилиши талаб этилади.

Кадрларни тўғри танлаш ва прокурорлик назоратининг самарали амалга оширишда аттестация комиссиясининг тутган ўрни ва аҳамияти кучайтирилиши муҳим аҳамият касб этади. Асосий эътибор

аттестацияларнинг ҳолисона ўтказилишига, ходимлар фаолиятидага камчилик ва нуқсонларга танқидий жиҳатдан баҳо берилишига, хизмат вазифаларини намунали бажараётган ходимларни рағбатлантириш, юқори лавозимларга захирага олиш, уларнинг ижобий иш тажрибаларини оммалаштириш тўғрисида таклифлар киритишга қаратилиши лозим.

Ходимларнинг билими, касб-маҳорати ва малакаиши талаб этилади ошириш борасидаги фаолият тубдан яхшиланиши муҳим аҳамият касб этади. Прокуратура органлари раҳбарлари ва таркибий тармоқ бошлиқлари бу ишда алоҳида намуна кўрсатишлари лозим. Шу аснода эътироф этишимиз лозимки, прокуратура органлари раҳбарлари ва таркибий тармоқ бошлиқлари бу ишда алоҳида намуна кўрсатишлари Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари асосида амалга оширилиши лозим ҳисобланади.

Бу борадаги тадбирлар аниқ мақсадли равишда, амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар, давлат қурилиши ва қонунчилик соҳаларидаги ўзгаришлар, қонунийлик ҳолати ва жиноятчилик аҳволидан ҳамда прокурорлик назоратининг долзарб вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилишини талаб этилади. Ва, қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакаиши талаб этилади ошириш маркази асосий эътиборни кадрларни қайта тайёрлаш ва малакаиши талаб этилади оширишнинг сифатини яхшилашга қаратилиши лозим.

Прокуратура органларининг кадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш ва уларнинг касб-маҳоратини ошириш борасидаги фаолияти мунтазам равишда ўрганилиб борилиши, натижалари тезкор ва ҳайъат мажлисларида ҳамда аттестация комиссияиши талаб этиладиинг йиғилишларида муҳокама қилиниб, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилиши ўзига хос ўринга эга.

Прокуратура органлари ходимларининг саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказишга эътибор кучайтирилиши муҳим аҳамият касб этади.

§.2. Прокуратура органларига ёшларни ишга қабул қилиш, лавозимларга тайёрлаш ва тарбиялашда қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005йил 17 февралдаги «Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида»ги 42-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида ёш мутахассисларнинг ишини ташкил этиш тўғрисида»ги Низомига мувофиқ олий ўқув юртларини битирувчилар прокуратура органларига ишга қабул қилинади. Шунингдек, юридик, иқтисодий ва молия соҳасига оид ўқув юртларини битирган ёш мутахассислар Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига иқтидориги қараб, танглаб олинади. Илк бор ишга қабул қилинаётганларнинг иш ўрганиши, уларнинг билим ва қобилиятига ҳам қаралади. Улар, шунингдек, туман (шаҳар) прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда бўш бўлган прокурор ёрдамчиси ёки прокуратура терговчиси лавозимларига иш ўрганувчи сифатида қабул қилинган барча ходимлар уч йилгача ёш мутахассис ҳисобланадилар¹.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси кадрлар бошқармаси тегишли олий ўқув юрти раҳбарияти билан ҳамкорликда прокуратурага қабул қилиш учун танлаб олинган талабаларнинг шахси ва билим даражасини ўрганади. Ва, ўз навбатида, олий ўқув юртларнинг талабалари

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005йил 17 февралдаги «Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида»ги 42-сонли буйруғи // Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари. – Т.: 2006. – Б. 488.

прокуратура органларида амалиёт ўташлари мумкин. Амалиёт Бош прокуратура, тегишли вазирликлар ҳамда олий ўқув юртларнинг раҳбарияти билан ҳамкорликда келишилган жадвал асосида, туман, шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар ҳамда Департаментнинг туман, шаҳар бўлимларида ўтказилади.

Прокуратура раҳбарияти талабаларнинг олий ўқув юртларида олган назарий билимларини амалиётга тўғри татбиқ этишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беради, уларга тажрибали ходимлардан мураббийлар тайинлайди. Иш ўрганиш амалиёти тугагач, талабаларнинг шахсий ҳислати, ишчанлик қобилияти ва камчиликлари, танлаган касбига муносабати ҳақида тавсифнома тузиб, унинг нусхасини ўн кун ичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг кадрлар бўйича катта ёрдамчилари, Департамент ҳудудий бошқармаларининг кадрлар бўйича катта инспекторлари орқали тегишлигича Бош прокуратуранинг кадрлар бошқармаси ёки Департаментнинг кадрлар бўлимига юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг кадрлар бўйича катта ёрдамчилари, Департамент ҳудудий бошқармаларининг кадрлар бўйича катта инспекторлари ҳар йили талабаларнинг иш ўрганиш амалиётни умумлаштириб, уни аттестация комиссияси ёки прокуратура (Департамент ҳудудий бошқармаси) раҳбарияти ҳузуридаги тезкор йиғилиш муҳокамасига киритади.

Кадрлар бошқармаси ва Департаментнинг кадрлар бўлими тегишли тартибда талабаларнинг прокуратура органларида иш ўрганиш амалиётни режалаштиришда иштирок этади ҳамда прокуратура органлари томонидан ушбу амалиётнинг тўғри ташкил этилишини назорат қилади.

Бош прокуратуранинг кадрлар бошқармаси тегишли юридик олий ўқув юртлари, Департаментнинг кадрлар бўлими иқтисодий молиявий маълумот

берувчи олий ўқув юртлари ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Академияси билан ҳамкорликда ўқишни тугатаётган талабаларнинг шахсий хислати, назарий билими, ишчанлик қобилияти ва прокуратура органларида ишлашга бўлган қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ишга қабул қилиш учун номзодларни танлаб олади.

Прокуратура органларига ишга қабул қилиш учун талабалар орасидан танлаб олинган номзодлар Бош прокуратураси кадрлар бошқармаси (тегишлигига қараб Департаментнинг кадрлар бўлими) томонидан бериладиган йўлланмага асосан тегишли тиббий муассасадан кўриқдан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган, зиммаларига юклатилган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиги имкон бермайдиган, муқаддам судланган, зарурий касбий фазилатларга эга бўлмаганлар прокуратура органларига ишга қабул қилинмайди.

Прокуратура органларида ишлаш учун танлаб олинганларнинг шахсига оид қуйидаги ҳужжатлар тўпланиши шарт:

- шахснинг ўзи томонидан қўлёзма билан тўлдирилган сўровнома;
- шахснинг таржимаи ҳоли;
- яқин қариндошларининг шахсига оид ва фаолиятлари ҳақида маълумотлар;
- фотосурат (6/4, 3/4 ҳажмда, бош кийимсиз тушилган, 4 дона);
- тамомлаган олий ўқув юрти раҳбарияти томонидан берилган тавсифнома;
- ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган жойдаги туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг, Департаментнинг туман, шаҳар бўлимлари бошлиқларининг тавсифномалари;
- яшаш жойидан тавсифнома;
- соғлиги тўғрисида тиббий хулоса;

- ички хавфсизликни таъминлаш бўйича ходимлар томонидан ўтказилган текшириш хулосаси;
- ходимнинг маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги ҳужжатлар нусхалари;
- фуқаролик паспортининг ксеронусхаси;
- шахс ва унинг яқин қариндошларини судлангалик ҳолатларини текшириш яқунлари;
- лозим топилган бошқа ҳужжатлар талаб қилиб олиниши мумкин.

Бош прокуратуранинг кадрлар бошқармаси бошлиғи танлаб ўрганилган битирувчи талабалар рўйхатини Бош прокурор томонидан тузилган комиссия ихтиёрига тавсия қилади. Комиссия ўз мажлисида талабаларнинг шахсий хислати, назарий билими ва бошқа хусусиятларини белгиловчи ҳужжатлар билан танишиб, улар билан суҳбат ўтказди. Натижалари бўйича комиссия битирувчини прокуратура органларига ишга қабул қилиш мумкин деган хулосага келса, бу ҳақда Бош прокурорга тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

Департаментнинг кадрлар бўлими бошлиғи эса ўрганилган талабалар рўйхатини Бош прокурор томонидан тузиладиган Департамент бошлиғи раислигидаги комиссияга тавсия этади. Комиссия мажлисига қадар танлаб олинган талабалар номзоди Бош прокурор билан келишилади ва ушбу комиссия томонидан талабалар билан суҳбат ўтказилади, натижалари ҳақида Бош прокурорга ахборот берилади.

Олий ўқув юртини тугатган, лекин дипломни олишга улгурмаган ёшлар, истисно тариқасида, фақат Бош прокурорининг рухсати билан прокуратура органлари тезкор лавозимларига ишга қабул қилиниши мумкин¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005йил 17 февралдаги «Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида»ги 42-сонли буйруғи // Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари. – Т.: 2006. – Б. 488.

Комиссиянинг тавсияси асосида Бош прокурор розилиги билан ишга тақсимланган ёшларни ишга жойлаштириш учун йўлланма билан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда Департамент бошлиги ихтиёрига юборилади.

Йўлланмада ёшларнинг юқоридаги прокурорлар ва Департамент бошлиги ихтиёрига етиб бориши ҳамда ишга тайинлаш муддатлари аниқ кўрсатилади. Ёшлар йўлланмада кўрсатилган муддатда узрли сабабларсиз белгиланган прокуратура органларига ишга жойлашиш учун етиб бормасалар, бу прогул ҳисобланиб, прокуратура раҳбарияти ёшларни Бош прокурорнинг розилиги билан ишга қабул қилишни рад этиши мумкин. Ёшларни кўрсатилган муддатда жойларга етиб боришлари билан боғлиқ харажатлар амалдаги қонун талабларига мувофиқ тўланади.

Ёш мутахассис ишга тайинланганидан сўнг, тегишли прокуратура ва Департамент раҳбари бу ҳақда 10 кун муддат ичида Бош прокуратурага ахборот юборади. Олий юридик ўқув юртининг кундузги бўлимини битирган ва ўз хоҳишига кўра ишга жойлашиш ҳуқуқи бўлган ёш мутахассислар уч йил давомида прокуратура органларига фақат Бош прокурорнинг розилиги билан ишга қабул қилинади.

Булардан ташқари, тегишли олий маълумотли фуқаролар прокуратура органларига Бош прокурор томонидан тасдиқланган «Прокурорнинг жамоатчи ёрдамчилари тўғрисида»ги Низомга мувофиқ ишга қабул қилинадилар.

Шунингдек, Департамент тизимида бир йилгача ишлаётган ёш мутахассислар, прокурор ёрдамчиси ёки прокуратура терговчиси лавозимида Бош прокурорнинг розилиги билан иш ўрганувчи этиб ишга ўтказилишлари мумкин. Уларга иш ўргатиш ҳам йўлланма билан ишга қабул қилинган ёш мутахассисларга иш ўргатиш каби, дастур асосида ташкил этилади.

Ёш мутахассислар фақат туман, шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда 1 йил (аттестациядан ўта олмаган ҳолларда аттестация комиссияси талаб этилади)нинг хулосасига асосан белгиланган 6 ойдан 1 йилгача) бўлган қўшимча муддат давомида иш ўрганадилар.

Ёш мутахассисларга иш ўргатиш улар ишга тайинланганидан бошлаб, 10 кун муддат ичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг кадрлар бўйича катта ёрдамчилари, Департаментнинг ҳудудий бошқармалари кадрлар бўйича катта инспекторлари томонидан мазкур Низомнинг 1а, 2а-иловаларида келтирилган намунавий дастурларга мувофиқ ҳар бир ёш мутахассиснинг билими ва қобилиятини эътиборга олган ҳолда тузиладиган ҳамда ушбу бандда кўрсатилган прокурорлар ва Департаментнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари томонидан тасдиқланган дастурга асосан амалга оширилади.

Туман, шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралардаги прокурор ёрдамчиси ёки терговчи лавозимлари иш ўрганувчилар билан тўлдирилши мумкин. Бу ёш мутахассисларга ҳам тасдиқланган дастур асосида прокуратуранинг барча йўналишлари бўйича иш ўргатилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Департаментнинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари ёш мутахассисларга яшаш ва ишлаш шароитларини яратиб берадилар ва уларга иш ўргатишни дастур асосида ташкил этилишини назорат қилиб борадилар.

Кадрлар бўйича прокурор катта ёрдамчилари ва Департамент бошқармаси катта инспекторлари йилда камида уч мартаба жойлардаги прокуратура (Департамент туман, шаҳар бўлимлари)га чиқиб, бевосита иш ўрганувчилар ва бир йилгача ишлаётган ходимлар билан суҳбат ўтказди,

дастурнинг бажарилишини ўрганади ва натижалари хақида маълумотнома тузиб, тегишли прокурор ва Департамент бошқармаси бошлиғига ёзма равишда маълум қилади, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этилишини назорат қилади.

Ёш мутахассисларга яшаш ва ишлаш шароитларини яратиб бериш ҳамда иш ўрганишни дастур асосида ташкил этишга туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар (мураббийлар), Департаментнинг туман, шаҳар бўлимлари бошлиқлари шахсан масъулдир. Уларнинг бу борадаги ҳисоботлари йилда камида бир марта юқори турувчи прокуратура ҳамда Департамент ҳудудий бошқармаларининг тегишлича хайъат ва тезкор мажлислари ёки аттестация комиссияси йиғилишларида муҳокама қилинади.

Ёш мутахассисларга туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Департаментнинг туман, шаҳар бўлимлари бошлиқлари мураббийлик қилиши ёки улар томонидан бошқа тажрибали ходимлардан бири мураббий этиб тайинланиши мумкин. Мураббий иш ўрганувчи билан бирга дастурда кўрсатилган йўналишлар бўйича прокуратура ва Департамент бўлимининг иш режаларини инобатга олиб, ҳар ойда аниқ бажарилиши лозим бўлган асосий тадбирлар режасини тузади. Режа мураббий ва иш ўрганувчи томонидан имзоланади, туман, шаҳар прокурори ва унга тенглаштирилган прокурор ёки Департамент туман, шаҳар бўлими бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Дастур ва режа асосида ёш мутахассислар мустақил ишлашга ўргатиб борилади. Ёш мутахассислар иш ўрганиш жараёнида кундалик бажарган ишларини алоҳида юритилган дафтарга ёзиб борадилар.

Ёш мутахассислар иш ўрганиш муддати тугаши билан дастур юзасидан бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобот таёрлаб, уни тегишли туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Департаментнинг туман, шаҳар бўлимлари бошлиқларига тақдим этади. Иш ўрганувчилар

аттестациядан ўтиб, мустақил лавозимга тайинланганидан кейин ҳам тегишли туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Департаментнинг туман, шаҳар бўлимлари бошлиқларининг бевосита раҳбарлигидаги фаолиятини чуқур ўргатиш ҳамда уларнинг малакасини ошириб бориш юзасидан чора-тадбирлар кўриб борилади¹.

Прокуратура органларига илк бор ишга қабул қилинган ходимлар аттестациядан ўтказилганидан сўнг ҳам икки йил давомида ёш мутахассис ҳисобланади. Ҳарбий ва Транспорт прокуратураларида хизматни ўтаётган ушбу ёш мутахассислар йилига бир марта Республика Ҳарбий ва Транспорт прокуратурасига иш ўрганишга чақирилади.

Аттестациядан ўтган ёш мутахассисларга ҳар уч ойда бир маротаба алоҳида топшириқлар бериб борилади, бир йилда камида икки маротаба улар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокуратуралари ёки Департамент органларининг ҳудудий бошқармалари маҳкамаларига иш ўрганиш учун чақириладилар (Ҳарбий ва Транспорт прокуратуралари бундан мустасно).

Бундан ташқари, мазкур прокуратураларнинг кадрлар бўйича катта ёрдамчилари ва Департамент бошқармаларининг катта инспекторлари, таркибий тармоқлар бошлиқлари билан ҳамкорликда ёш мутахассисларга ўрганувчилар жалб қилган ҳолда) асосий фаолият йўналишлари бўйича бир йилда камида уч марта алоҳида ўқув машғулотларини ўтказилшини ташкил этади.

Шунингдек, ёш мутахассислар прокуратура органлари ходимлари билан ўтказиладиган конференция, ўқув ва амалий машғулотларга жалб қилинади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005йил 17 февралдаги «Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида»ги 42-сонли буйруғи // Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари. – Т.: 2006. – Б. 488.

Таъкидлаш лозимки, ёш мутахассислар прокуратура органлар иходимларининг барча хуқуқ, имтиёзларидан фойдаланадилар ва белгиланган бурчларни бажаришга мажбурдирлар. Улар имконият даражасида уй-жой билан таъминланади.

Ёш мутахассислар иш ўрганиш даврида бир прокуратурадан бошқа прокуратурага, уч йилгача эса Бош прокуратура ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг маҳкамаларига ишга ўтказилмайди. Айрим ҳолларда бунга Бош прокурорнинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин. Лекин, департамент органларида хизмат қилаётган ёш мутахассислар икки йилгача унинг марказий маҳкамаси ва ҳудудий бошқармаларига ишга ўтказилмайди.

Ёш мутахассислар прокуратура ва Департамент органларининг ходимларини рағбатлантириш ҳамда уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги низомларга асосан рағбатлантирилиши ва интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ва, прокуратура органларига йўлланма билан ишга қабул қилинган ёш мутахассисларни уч йил давр мобайнида прокуратура органларидан бўшатишга Бош прокурорининг розилиги билан йўл қўйилади.

Иш ўрганиш муддати тугаганидан сўнг ёш мутахассислар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси аттестация комиссияси, аттестация комиссиялари ва прокуратура органлари ходимларнинг аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомда белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади.

Ёш мутахассислар Ўзбекистон Республикаси «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ҳарбий хизматга ва шу жумладан, ҳарбий йиғинга чақирилишлари мумкин.

Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, тегишлигича Департамент бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар

прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан иш билан таъминланадилар.

Ёш мутахассисларнинг иш ўрганиш ва ҳарбий хизматда бўлиш даври меҳнат стажига киради.

Уларнинг ҳомиладорлик, туғиш, болани парваришлаш таътиллариغا чиқиши, ҳарбий хизматга чақирилиши, касаллиги ва бошқа узрли сабабларга кўра узоқ муддат ишда бўлмаган даври иш ўрганиш муддатига кирмайди.

Эътибор қаратиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг 42-сон буйруғига 3-илова «Прокурорнинг жамоатчи ёдамчилари тўғрисида»ги Низомда прокуратура сафига жамоатчи ёдамчиларни жалб қилиш масалалари ҳам кўрсатилган.

Мазкур низомга мувофиқ, прокуратура, шу жумладан, Солиқ ва валютага оид жиноятлар, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органларида хизмат қилишга хоҳиши бўлган, Ўзбекистон Республикасининг олий юридик, иқтисодий, молиявий ўқув юртларида сиртдан ёки магистратура босқичида таҳсил олаётган, шунингдек, тегишли олий маълумотга эга бўлиб, муайян жойда ишлаб келаётган ҳамда ижобий тавсифларга эга фуқаролар прокурорнинг жамоатчи ёрдамчиси сифатида жалб қилиниши мумкин. Улардан кадрлар захирасини ташкил этиш ва бўш ўринларни тўлдиришда фойдаланилади.

Магистратура босқичида таҳсил олаётган талабаларни жамоатчи ёрдамчиликка жалб қилишда тегишли олий ўқув юрти раҳбариятининг розилиги олинishi шарт.

Туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар жамоатчилик асосида иш ўрганиш ва прокуратурага ёрдам бериш истагини билдирган фуқароларни шахсан қабул қилиши ҳамда мурожаатни белгиланган тартибда рўйхатга олиши лозим. Муайян ташкилот, корхона, муассаса ёки олий ўқув юрти маъмуриятининг бундай масаладаги мурожаати ҳам шу тартибда кўриб чиқилади.

Туман прокурори, жамоатчи бўлиш хоҳишини билдирган фуқаронинг шахсий ва ишчанлик хислатларини бир ой муддатда ҳар томонлама ўрганиб чиқади. Натижаларига кўра фуқаронинг жамоатчи ёрдамчи сифатида иш ўрганиши ва прокуратурага ёрдам беришига ишонч ҳосил қилганидан сўнг, унинг шахси, яшаш ва асосий иш (ўқиш) жойи ҳақидаги ҳужжатлар ҳамда зарур тавсифномаларни жамлаб, тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар, Республика Транспорт прокурорига тақдимнома киритади. Ихтисослаштирилган прокуратураларга жамоатчи ёрдамчиларни жалб қилишдан аввал, улар прокуратура органлари ходимлари каби махсус текширишдан ўтказилиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар, Транспорт прокурори туман прокурорининг тақдимномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан танишиб, бу фуқаро билан шахсан суҳбат ўтказиш ёки кўшимча текшириш ташкил қилиш орқали узоғи билан бир ой муддатда фуқарони жамоатчи ёрдамчи сифатида қабул қилишга розилик бериш ёки рад этиш ҳақида тўхтамга келади. Тақдимномани кўриб чиқиш натижалари ҳақида туман прокурорига ёзма хабар қилинади. Тақдимнома белгиланган тартибда қаноатлантирилган тақдирда туман прокурорининг буйруғи билан фуқаро прокурорнинг жамоатчи ёрдамчиси этиб тайинланади ва унга тажрибали ходим мураббий этиб белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг ҳудудий бошқарма бошлиқлари ёш мутахассисларга яшаш ва ишлаш шароитларини яратиб берадилар ва уларга иш ўрганишни дастур асосида ташкил этилишни назорат қилиб борадилар¹.

¹ Пулатов Б.Х. Прокурор назорати. – Т: O'zbekiston, 2009. – Б. 85.

Ходимлар сони ўн нафардан ошмаган туман прокуратураларида уч нафаргача, ўн нафардан ортиқ ходимлари бор прокуратураларда кўпи билан беш нафар, ўн беш нафардан ортиқ ходимлари бўлган прокуратураларда эса етти нафаргача жамоатчи ёрдамчи бириктирилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва Транспорт прокуратураларида жамоатчи ёрдамчиларнинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилди юритилади.

Шахсий ҳужжатлар йиғмажилдида:

- жамоатчи ёрдамчи сифатида ишга қабул қилиш билан боғлиқ ҳужжатлар (ариза, тақдимнома, розилик хати, буйруқ);
- шахсий варақа ва таржимаи ҳол;
- яқин қариндошлари ҳақида маълумотнома;
- шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;
- фотосурат, катталиги 4х6 см., 2 дона ва 2 х 3 см., 2 дона;
- фикрномалар, магистратура босқичида таҳсил олаётганларга олий ўқув юрти раҳбариятининг розилик хати;
- яшаш ва иш (ўқиш) жойларидан берилган расмий маълумотлар, тавсифномалар ҳамда бошқа тегишли ҳужжатлар.

Ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши ва жамланиши кадрлар тармоғи ва тегишли туман прокурори зиммасига юклатилади. Туман прокуратураларида фуқаронинг жамоатчи ёрдамчи сафига жалб қилинганлиги ҳақидаги буйруқ, иш режалари, бажарган ишлари юзасидан тузилган маълумотномалар ва фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар жамлаб борилади.

Жамоатчи ёрдамчилар фаолиятининг тўғри олиб борилиши учун туман прокурори бевосита масъул ҳисобланади.

Мураббий сифатида бириктирилган ходимлар томонидан жамоатчи ёрдамчиларнинг иш ўрганишида амалий ёрдам кўрсатилади, алоҳида эътибор жамоатчи ёрдамчининг касб-маҳорати, билими, малакасини ошириш,

шунингдек, уларнинг шахсий ва ишчанлик хислатларини шакллантириб боришга қаратилади.

Жамоатчи ёрдамчининг фаолияти ҳар олти ойга мўлжалланган иш режалари асосида олиб борилиб, бажарилган гаплар бўйича мураббий иштрокида маълумотномалар тузилади.

Туман прокурори хузуридаги тезкор йиғилишда мураббийнинг жамоатчи ёрдамчи фаолияти ҳақидаги ҳисоботи эшитиб борилади.

Муқаддам судланган шахслар ҳамда чет эл ва МДХ давлатлари олий ўқув юртларини тамомлаб, дипломи Ўзбекистон Республикасида нострификация қилинмаган (эквивалентлиги қайд этилмаган) фуқаролар жамоатчи ёрдамчиликка жалб этилмайди.

Фуқаронинг бир вақтда икки ёки ундан ортиқ прокуратура органларида жамоатчи ёрдамчи бўлишига йўл қўйилмайди.

Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар маҳкамаларига, шунингдек, Ҳарбий прокуратура ва Департамент органларига жамоатчи ёрдамчиларнинг жалб қилинишига йўл қўйилмайди.

Жамоатчи ёрдамчиларни прокуратура органларига ишга қабул қилиш учун захирага олиш, ишга қабул қилиш ва жамоатчи ёрдамчилар сафидан чиқариш юзасидан қуйидагилар кўрсатилган:

Жамоатчи ёрдамчилар прокуратурада камида олти ой давомида иш ўрганиб, фаолият олиб борганидан сўнг, туман прокурори хузуридаги тезкор йиғилиш қарорига мувофиқ уларни прокуратура органларига ишга қабул қилиш учун захирага олиш тўғрисида тегишлилиги бўйича юқори турувчи прокурорга тақдимнома киритади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар, Транспорт прокурори тақдимномани тегишли аттестация комиссиясини навбатдаги мажлиси муҳокамасига тавсия этади.

Аттестация комиссияси мажлисида прокуратура органларига ишга қабул қилиш учун заҳирага олишга тавсия этилаётган жамоатчи ёрдамчи ҳамда тегишли туман прокурорининг иштирокида тақдимномани кўриб чиқилиб, унга розилик бериш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади. Мазкур қарор Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар, Транспорт прокурори билан келишилганидан сўнг қонуний кучга эга бўлади. Бу ҳақда туман прокурорига маълум қилинади.

Аттестация комиссияси туман прокурорига прокуратура органларига ишга қабул қилиш учун заҳирага олинган жамоатчи ёрдамчининг ишини ташкил қилиш, касб-маҳоратани ошириб бориш борасида тегишли тавсиялар беради. Заҳирага олинган жамоатчи ёрдамчининг режа асосида касбга тайёрлаш ишининг тўғри ташкил этилишига туман прокурори бевосита масъул ҳисобланади.

Прокуратура органларида мавжуд бўлган бўш ўринларни тўлдиришда жамоатчи ёрдамчилар заҳирасига олинганлардан муносибларини танлашга алоҳида эътибор қаратилади ва улар белгиланган тартибда лавозимларга тайинланади.

Жамоатчи ёрдамчилар қуйидаги ҳолларда сафдан чиқариладилар:

- узрли сабабларсиз прокуратура органларига уч ойдан ортиқ муддат давомида келмаганлар;
- жиний жавобгарликка тортилганлар;
- олий ўқув юрти талабалари сафидан чиқарилганлар (академик таътилар бундан мустасно);
- муддатли ҳарбий хизматга чақирилганда;
- ногирон бўлиб қолганлиги учун асосий иш жойида зиммасига юкланган хизмат вазифаларни бажариш имконини йўқотганлар ҳамда шу туфайли прокуратура органларида жамоатчи ёрдамчи сифатида фаолият кўрсата олмайдиганлар.

- бундан ташқари, жамоатчи ёрдамчи прокурорнинг ташаббуси билан ҳамда ўз хоҳишига кўра берган аризасига биноан ҳам жамоатчи ёрдамчилар сафидан чиқарилиши мумкин.

Жамоатчи ёрдамчилар сафидан чиқариш ҳақида туман прокурори томонидан буйруқ чиқарилади ҳамда бу ҳақда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар, Транспорт прокурорига асослантирилган ахборот берилади. Жамоатчи ёрдамчилар сафидан чиқариш ҳақида асослантирилган ахборотда жамоат ёрдамчиси сафидан чиқаришнинг сабабалари албатта кўрсатилиши лозим.

Таъкидлаш лозимки, жамоатчи ёрдамчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳам юқорида келтирилган Низомда ўз аксини топган. Ва, жамоатчи ёрдамчилар прокуратура органлари ходимлари учун белгиланган тартиб интизомга риоя қилишлари лозим.

Жамоатчи ёрдамчилар:

- туман прокурорининг топшириғига ва бириктирилган мураббийнинг раҳбарлиги остида ҳужжатлар билан танишади, бажарилган ишлар бўйича маълумотномалар тузади;

- қонунлар ижроси устидан назорат борасида ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг муурожаатлари юзасидан текширишлар ўтказишда қатнашади;

- прокурор назорати ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлайди ва айрим процессуал ҳужжатларни тузишда иштирок этади;

- жамоатчи ёрдамчи туман прокурорининг рухсати билан прокуратура фаолиятига оид бошқа ҳужжатларни ҳам ўрганиши мумкин.

Жамоатчи ёрдамчи мустақил текширишлар ўтказиши, мутасадди ташкилотлардан ҳужжатларни талаб қилиб олиши, тергов ҳаракатлари олиб бориши, шунингдек, қонун ҳужжатлари асосида таъқиқланган бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўйилмайди.

§.3. Прокуратура органларида лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларининг касбий маданиятини юксалтириш борасида, авваламбор, ходим юксак маънавият соҳиби бўлиши, унинг юқори даражада тарбияланганлиги – айтган сўзининг устидан чиқиши, фидойилиги, қўл урган ишини ўз вақтида, пухта ва тезкорлик билан бажариш қобилиятларига, содир этилган воқеани аниқ таҳлил этиш ва тўғри қарор қабул қилиш, вазминлик, мардонавонлик, турли хавф-хатарлардан, ҳақоратлардан эсанкираб қолмаслик сифатларига, шахсий хулқ-адоби, обрў-эътиборлари билан қариндош-уруғлари, фарзандлари ҳамда маҳалладошларига ўрнак бўлишига интилиш каби фазилатларга эга эканлиги билан белгиланади¹.

Прокуратура органлари, шу жумладан Солиқ, валютага оид жинойтларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун аввало кадрларни тўғри танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, уларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Асосий эътибор ходимларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарликни ошириш, ўз ишининг устаси бўлиб шаклланишига эришига қаратилмоғи лозим².

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг 2005 йил 17 февралдаги «Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида»ги 42-сонли буйруғида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда кадрларни тўғри танлаш, тайинлаш, тарбиялаш ҳамда уларни касб маҳорати ва малакасини

¹ Набиев О. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари касбий маданиятини юксалтириш масалалари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. – 2012. 4(12)-сон. – Т.: Мир полиграфии, 2012. – Б. 6.

² Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. – Т: O'zbekiston, 2009. – Б. 81.

ошириш прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг энг муҳим омилларидан бири эканлиги эътироф этилган¹.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ҳамда лавозимидан бўшатадиган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган биринчи ўринбосарига ва ўринбосарларига эга. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари котибиятлари билан биргаликда 30та таркибий тармоқлар ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибидаги Прокуратура органлари, шу жумладан Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти фаолият кўрсатади. Барча прокурорларнинг конституциявий ваколат муддати – 5 йил. Прокуратура органларининг ходимлари ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб турадилар².

Прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган «Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида»ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқлари,

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг 2005 йил 17 февралдаги «Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида»ги 42-сонли буйруғининг 2-банди // Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари. – Т.: 2006. – Б. 486.

² Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрирда); Ўзбекистон Республикаси президентининг 11 мартдаги ПФ-3406-сонли Фармонида «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тизими ҳақида»ги 1-сонли илова; Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Жиноятчиликка қарши курашишни ташкилий-услубий таъминлаш бўлими»и тугатиш ҳамда «Прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси тўғрисида» ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2005 йил 10 октябрдаги 47-сонли буйруғи // Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари. – Т.: 2006. – Б. 603.

кўрсатмалари, Низомлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратурадаги бошқарма ва бўлимлар, катта прокурорлар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, вилоят ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан тасдиқланган Низомлар асосида олиб борилади. Ҳар бир тезкор ходимнинг мажбурияти Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарлари ва тегишли прокурорлар томонидан тасдиқланган меҳнат тақсимоти ҳақидаги махсус ҳужжатларда белгиланган¹.

Туман (шаҳар) прокуратураларида эса ходимлар мажбурияти прокурорлар томонидан тасдиқланган ва тақсимланган. Прокуратура фаолиятининг барча йўналишлари бўйича функционал вазифалар шу прокуратурада ишловчи туман прокурори ва унинг ёрдамчиси ёки ходимлари томонидан амалга оширилади.

Прокуратура органларида лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикасининг 2001-йил 29-августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) Қонунининг 43-моддасида белгилаб берилган бўлиб, прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар қуйидагича кўрсатиб ўтилган:

- прокуратура органларида прокурорлар, терговчилар ва иш ўрганувчилар лавозимига олий юридик маълумотга эга;
- зарур касбий фазилатлари бўлган;
- зиммаларига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган даражада саломат бўлган;

¹ Пулатов Б.Х. Прокурор назорати. – Т: O'zbekiston, 2009. – Б. 83.

- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари тайинландилар¹.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни раҳбар лавозимларга тайинланаётган прокурорлар учун юқорида қайд этилган талаблар билан биргаликда ёш цензини ҳам назарда тутди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланади².

Туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда Департаментнинг жойлардаги бўлимлари бошлиқлари лавозимларига прокуратура органларида ишлаган ёки мутахассислиги бўйича камида 5 йил ишлаган, ўз ишининг устаси бўлган, масъулиятли ва шахсий жавобгарликни ҳис этувчи муносиб ходимлар тайинланади³.

Прокуратура органларига тезкор лавозимларга ишга қабул қилинган шахслар туман (шаҳар) прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратуралардаги тезкор лавозимларга тайинланади. Ундан кейинги хизмат бўйича илгари силжиш прокуратура ходимининг ўз хизмат вазифасига бўлган виждонан муносабати, касбий малакаси, билимдонлиги ва шахсий фазилатларига қараба амалга оширилади. Ходимларни юқори лавозимларга тайинлаш заҳирага олиш орқали амалга оширилади. Заҳирага қобилятли, ташаббускор ва билимли ходимлар киритилади. Заҳира рўйхатлари тегишли прокуратураларнинг ҳайъат мажлислари, департаментнинг тезкор йиғилишларида муҳокама қилинади, лавозимларга тайинлашди биринчи навбатда заҳира рўйхатлари инобатга олинади⁴.

¹ Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) 2001 йил 29 августдаги қонуни. – Т.: 2008. 43-модда.

² Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) 2001 йил 29 августдаги қонуни. – Т.: 2008. 43-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг 2005 йил 17 февралдаги «Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида»ги 42-сонли буйруғининг 9-банди // Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари. – Т.: 2006. – Б. 486.

⁴ Пулатов Б.Х. Прокурор назорати. – Т: O'zbekiston, 2009. – Б. 84.

□збекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 17 февралдаги «Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида»ги 42-сонли бўйруғида □збекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментидаги меҳнат фаолиятида тажриба орттирган, ташаббус кўрсатиб, ўз хизмат вазифаларини виждонан, намунали бажараётган ходимларни раҳбарлик ва масъулиятли лавозимларга тайинлашда уларга имтиёзлар берилиши қайд этилган¹.

□збекистон Республикаси Бош прокурорининг 2006 йил 21 январдаги «Хизмат фаолиятида намуна кўрсатган прокуратура ходимларини қўллаб-қўвватлаш тартибини белгилаш ҳақида»ги 50-сонли бўйруғига асосан хизмат фаолиятида намуна кўрсатган прокуратура органлари ходимларини қўллаб-қўвватлаш мақсадида «Йилнинг энг яхши терговчиси» ва «Йилнинг энг яхши давлат айбловчиси» танловлари мунтазам ўтказиб бориши жорий қилинган. Танлов ғолибларини белгиланган тартибда рағбатлантириш, махсус нишон билан тақдирлаш, юқори ва кенг ҳажмли лавозимларга захираларга олиш ҳамда уларнинг иш тажрибасини оммалаштириш йўлга қўйилган².

□збекистон Республикаси Бош прокурорининг 2006 йил 21 январдаги «Хизмат фаолиятида намуна кўрсатган прокуратура ходимларини қўллаб-қўвватлаш тартибини белгилаш ҳақида»ги 50-сонли бўйруғига асосан «Йилнинг энг яхши терговчиси» (1-илова) ва «Йилнинг энг яхши давлат айбловчиси» (2-илова) танловини ўтказиш тўғрисидаги Низом талаблари тасдиқланган.

¹ □збекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 17 февралдаги «Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида»ги 42-сонли бўйруғи // □збекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг бўйруқлари. – Т.: 2006. – Б. 486.

² □збекистон Республикаси Бош прокурорининг 2006 йил 21 январдаги «Хизмат фаолиятида намуна кўрсатган прокуратура ходимларини қўллаб-қўвватлаш тартибини белгилаш ҳақида»ги 50-сонли бўйруғи // □збекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг бўйруқлари. – Т.: 2006. – Б. 637.

Прокуратура органлари ходимлари ўзларининг юксак фуқаролик бурчи билан қоришиб кетадиган юқори касбий тайёргарликка эга бўлишлари, қонун бузилиш ҳолларига мурасасиз бўлишлари, сотилмас, адолатли, виждонли бўлишлари лозим. Прокуратура органлари ходимлари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият тури билан шуғулланиши мумкин эмас. Акс ҳолда, улар келгусида ўзлари томонидан текширилиши мумкин бўлган корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларига киришиб кўйиб, ўзларининг мустақилликларини қўлдан бериб қўйишади. Улар илмий, ўқитувчилик ва ижодий фаолият билан фақат асосий ишдан бўш вақтда шуғулланиши мумкин ҳолос.

Прокуратура органлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори белгилайдиган тартибда аттестасиядан ўтказиладилар. Прокурор ёки терговчи лавозимига биринчи марта тайинланаётган шахс Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 44-моддасида белгиланган тартибда қасамёд қабул қиладилар. Унда жиноятчиликка қарши мардонавор ва мурасасиз курашни ҳамда ўз мазмунига кўра енгил бўлмаган қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифасини амалга оширувчи мансабдор шахсларга нисбатан талаблар қўйилган.

Қасамёд мазмуни қуйидагичадир:

«Ўз хизмат вазифаларимни ҳалол ва виждонан бажаришга, қонун бузилишига қарши мурасасиз курашишга, фуқаро, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга тантанали қасамёд қиламан».

Қасамёд қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланади. Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг фаолияти тегишли юқори турувчи прокурорлар томонидан уларнинг ваколат муддати давомида камида икки марта комплекс ўрганиб чиқилади.

Прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланади.

Ўз фаолияти даврида тегишли ҳудудда қонунлар ижроси устидан лозим даражада назорат ўрнатилишини таъминлаб бера олмаган шахслар прокурор лавозимига такроран кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

Таъкидлаб ўтишимиз лозимки, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 46-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси таркибида прокуратура органлари ички хавфсизликни таъминловчи инспекция тuzилади. Прокуратура органлари ички хавфсизликни таъминловчи инспекция прокуратура органлари ходимлари томонидан содир этилган хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, коррупция ва эгаллаб турган лавозимига нолайиқ бошқа ножўя хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар бўйича хизмат текширувини ўтказиши.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳар 5 йилди бир мартаба аттестациядан ўтказилади. Прокуратура органлари ва муассасаларининг бошқа ходимлари, шунингдек, Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимлари эса 3 йилда бир мартаба аттестациядан ўтказилади¹.

Аттестация комиссиялари ходимларни аттестациядан ўтказишда қўйидаги қарорларнинг бирини қабул қилади:

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг 2005 йил 17 февралдаги 42-сонли буйруғи билан тасдиқланган (1-иловада) «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари аттестация комиссиялари ва прокуратура органлари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари. – Т.: 2006. – Б. 507.

а) «Ходим эгаллаб турган ловозимига лойиқ» - бунда ходим аттестациядан ўтган ҳисобланади.

б) «Ходим эгаллаб турган ловозимига етарли даражада лойиқ эмас» - бундай ходим аттестациядан ўтмаган ҳисобланади. Аттестация комиссияс ходимга олти ойдан бир йилгача муддат белгилайди. Белгиланган муддат тугагач, ходим қайта аттестациядан ўтказилади ва бунда ходимнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолайиқлиги ҳақида бир тўхтамга келади.

в) «Ходим эгаллаб турган ловозимига нолайиқ» - бунда ходим аттестациядан ўтмаган ҳисобланади ва комиссия қарори қонуний кучга киргандан сўнг ваколатли раҳбар томонидан ходим лавозимидан озод қилинади ҳамда қўйи лавозимга ўтказиш ёки прокуратура органларидан бўшатиш масаласи ҳал қилинади.

Агар ходимни қўйи лавозимга ўтказиш ҳақида аниқ бир қарорга келинганда ходим бу лавозимга ўтишдан бош тортса, қонуний кучга кирган комиссия қарори билан таништирилгач, камила икки ҳафта олдин у ёзма равишда огоҳлантирилиб, прокуратура ва Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органларидан бўшатилади¹.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тизимида прокуратура органларида ички хавфсизликни таъминловчи инспекция ҳам ўз ваколати доирасида ҳаракат қилади. Прокуратура органлари ички хавфсизликни таъминловчи инспекция ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Ушбу аснода таъкидлаб ўтишимиз лозимки, прокуратура ходимларига нисбатан бундай юқори талабларнинг қўйилиши тасодифий эмас, чунки

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг 2005 йил 17 февралдаги 42-сонли буйруғи билан тасдиқланган (1-иловада) «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари аттестация комиссиялари ва прокуратура органлари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари. – Т.: 2006. – Б. 507.

қонун прокурорлар ва терговчиларга жуда ҳам кенг ҳокимият-бошқарув ваколатини бериб қўйган. Бу ваколатлардан нотўғри фойдаланиш ёхуд хизмат ваколатларни суиистеъмол қилиниши жуда ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун, ўз касбий мажбуриятини амалга ошираётган ҳар бир прокуратура ходимидан қонун доирасида ҳаракат қилиши ҳамда инсонларга нисбатан эътиборли бўлиши талаб қилинади.

Хулоса

Прокурорлар ҳамма вақт жиноят процесси ичида бўлиб келган ҳамда вақти-вақти билан ислоҳатлар жараёнини бошдан кечирган. Прокурор назоратининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти сиёсий тузумга ва тегишили ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликка боғлиқ бўлиб келган. Бу ҳол ўз навбатида жиноят – процессуал қонунчилик мазмунига ҳам ўз таъсирини ўтказган, яъни у қонунийлик ҳолатини мустаҳкамлашга ҳамда жиноятчиликка қарши кўрашга қаратилган бўлиши лозим эди.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, прокуратура органлари, шу жумладан Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун аввало кадрларни тўғри танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, уларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Асосий эътибор ходимларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарликни ошириш, ўз ишининг устаси бўлиб шаклланишига эришига қаратилмоғи лозим. Бу эса, ўз навбатида, прокуратура ходимларидан юксак маданият ва маънавий етукликни талаб қилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари фаолиятининг, шу жумладан прокуратура органлари ходимларининг мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Прокуратура органларига қўйиладиган талаблар асосан икки хил шаклда мавжуд. Биринчидан, прокуратура ходимининг маънавий-ахлоқий ва маданий сифатларига қўйиладиган талаблар. Иккинчидан, прокуратура ходимларининг иш фаолиятини сифатли амалга оширишга қўйилган талаблар. Прокуратура ходимларига қўйилган иккинчи шаклдаги талаблар, ўз навбатида, икки йўналишда амалга оширилади. Биринчи йўналиш –

прокуратурада ловозимларга тайинланадиган ходимларга нисбатан, ва, иккинчи йўналиш, бу – прокуратурага ишга қабул қилиниш жараёнида қўйиладиган талаблар.

Прокуратура ходимининг маънавий-ахлоқий ва маданий сифатларига қўйиладиган талабларни таҳлил қилиш жараёнида шуни эътиборга олиш лозимки, агар, прокуратура терговчиси ўз фаолиятида қонунларга ва ҳуқуқнинг умумий асосларига таянган ва улардан оғишмаган ҳолда иш тутса, лекин, шу аснода ахлоқ ва одоб қоидаларига эътибор бермаса, бу қилмиши билан уни ўз бурчига тўла садоқат билан ёндашди дейиш қийин. Сабаби, прокуратура терговчисининг қонун ва ҳуқуқ асосларини ҳимоя қилиш билан бирга турадиган яна бир муқаддас бурчи, бу – маънавият ва ахлоқни сақлаши, фуқароларга ҳурмат билан мунасобатда бўлишидир.

Шу аснода алоҳида эътибор қаратишимиз лозимки, давлатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий мақсадлари ҳисобланган ғоявий, кадрлар корпусини шакллантириш, молиявий-моддий жиҳатлардан ташқари, маънавий-ахлоқий, аксиологик-маданий, ижтимоий-маърифий жиҳатлар билан ҳам тавсифланади.

Прокуратура органлари ходимларининг касбий маданиятига қўйилган талаблар ва уни юксалтириш истиқболлари, кўпчилик ҳолатларда, прокуратура органлари ходимларининг иш сифатини оширишга тўғридан-тўғри ижобий таъсир этади. Чунки, юксак касбий маданиятга эга бўлган прокурор, прокуратура терговчиси, прокурор ёрдамчиси ва прокуратура органларида хизмат кўрсатаётган ҳарқандай шахс ўз вазифасини виждонан бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 17 февралдаги «Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида»ги 42-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида ёш мутахассисларнинг ишини ташкил этиш тўғрисида»ги Низомига мувофиқ Прокуратура органларида

кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масаласини тартибга солинади.

Прокуратура органларига ишга қабул қилинаётган ёш ходимлар тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори белгилайдиган тартибда аттестациядан ўтишлари лозим. Ёш мутахасисларнинг ишларини пухта ташкил қилиш прокуратура органлари истиқболли фаолиятини таъминлашга қаратилади. Ва, ўз навбатида, прокуратура органлари ходимлари бир қатор талабларга жавоб беришлари керак. Улар қўйидагича: Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши керак; олий юридик маълумотга эга бўлиши керак; юксак ахлоқий хусусиятларга эга бўлиши керак; амалдаги қонунларни қўллаш билан олиши керак; тегишли касбий малакага эга бўлиши лозим.

Прокуратура органларида лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикасининг 2001-йил 29-августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) Қонунининг 43-моддасида белгилаб берилган бўлиб, прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар қўйидагича кўрсатиб ўтилган: прокуратура органларида прокурорлар, терговчилар ва иш ўрганувчилар лавозимига олий юридик маълумотга эга; зарур касбий фазилатлари бўлган; зиммаларига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган даражада саломат бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари тайинландилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни раҳбар лавозимларга тайинланаётган прокурорлар учун юқорида қайд этилган талаблар билан биргаликда ёш цензини ҳам назарда тутди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланади.

Туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда Департаментнинг жойлардаги бўлимлари бошлиқлари лавозимларига прокуратура органларида ишлаган ёки мутахассислиги бўйича камида 5 йил ишлаган, ўз ишининг устаси бўлган, масъулиятли ва шахсий жавобгарликни ҳис этувчи муносиб ходимлар тайинланади.

Прокуратура органлари ходимлари ўзларининг юксак фуқаролик бурчи билан қоришиб кетадиган юқори касбий тайёргарликка эга бўлишлари, қонун бузилиш ҳолларига мурасасиз бўлишлари, сотилмас, адолатли, виждонли бўлишлари лозим. Прокуратура органлари ходимлари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият тури билан шуғулланиши мумкин эмас. Улар илмий, ўқитувчилик ва ижодий фаолият билан фақат асосий ишдан бўш вақтда шуғулланиши мумкин ҳолос.

Таъкидлаш лозимки, прокуратура органлари ходимларидан тегишли тартибда аттестациядан ўтиш талаб қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳар 5 йилди бир мартаба аттестациядан ўтказилади. Прокуратура органлари ва муассасаларининг бошқа ходимлари, шунингдек, Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимлари эса 3 йилда бир мартаба аттестациядан ўтказилади.

Ушбу аснода таъкидлаб ўтишимиз лозимки, прокуратура ходимларига нисбатан бундай юқори талабларнинг қўйилиши тасодифий эмас, чунки қонун прокурорлар ва терговчиларга жуда ҳам кенг ҳокимият – назорат ваколатини бериб қўйган. Бу ваколатлардан нотўғри фойдаланиш ёхуд хизмат ваколатларни суиистеъмол қилиниши жуда ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун, ўз касбий мажбуриятини амалга ошираётган ҳар бир прокуратура ходимидан қонун доирасида ҳаракат қилиши ҳамда инсонларга нисбатан эътиборли бўлиши талаб қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. / Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Барқарор тараққиётга эришиш – устувор вазифа. / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 феврал мажлисидаги маърузаси. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И.А. Халқимиз жипслиги – тинчлик тараққиёт гарови / Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XII сессияси 1998 йил 28 августидagi маърузаси. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қулимиз билан қураимиз. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари / Миллий давлатчилик, истиқлол мафқураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. -Т.: ИИВ Академияси, 1999.
6. Каримов И.А. Адолат-қонун устуворлигида / Ўзбекистон Республикаси Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VI сессиясидаги маъруза // Халқ сўзи 2001 йил 30 август.
7. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йуналишлари. // Халқ сўзи. 2002 йил 30 август.
8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
9. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2005-йил 8 декабрда сўзлаган маърузаси.

10. Каримов И.А. “Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устивор вазифамиздир” // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2006 йил 7 декабрь. –Т.: Ўзбекистон, 2007.

11. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-иқтисодий барқарор ривожлантириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 2008.

12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

13. Каримов И.А. Ватанамизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

14. Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги сўзлаган маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябр. №220(5135).

15. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

16. Каримов И.А. 2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012.

17. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир // Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. / Халқ сўзи, 2012 йил, 8 декабр.

II. ХУҚУҚИЙ-НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Қарақалпақстан Республикасының Конституциясы. – Нөкис. Билим, 2008.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги. – Т.: Адолат, 2012.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги. – Т.: Адолат, 2012.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрирда). –Т.: Адолат, 2001.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрирда). – Т.: Nisim, 2004.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-2006 йй. // Н.З.Тошматовнинг умумий таҳрири остида Чоп этилди. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, 2007.
8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Жиноятчиликка қарши курашишни ташкилий-услубий таъминлаш бўлими»и тугатиш ҳамда «Прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси тўғрисида» ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2005 йил 10 октябрдаги 47-сонли буйруғи // Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари. – Т.: 2006. – Б. 603.
9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 17 февралдаги «Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида»ги 42-сонли буйруғи // Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари. – Т.: 2006. – Б. 488.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2006 йил 21 январдаги «Хизмат фаолиятида намуна кўрсатган прокуратура ходимларини кўллаб-қўвватлаш тартибини белгилаш ҳақида»ги 50-сонли бўйруғи // Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг бўйруқлари. – Т.: 2006. – Б. 637.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг 2005 йил 17 февралдаги 42-сонли бўйруғи билан тасдиқланган (1-иловада) «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари аттестация комиссиялари ва прокуратура органлари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг бўйруқлари. – Т.: 2006. – Б. 507.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг 2005 йил 7 апрелдаги 45-сонли бўйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ходимларининг касб одобномаси» // Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг бўйруқлари. – Т.: 2006. – Б. 488.

III. МАХСУС АДАБИЁТЛАР

1. Абдумажидов Ғ.А. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислохотлар даври. – Т.: Адолат, 2002.

2. Адвокатская деятельность в Республике Узбекистан: Учебник. В 2-х т. Т.2. / Отв. ред. М.Х.Рустамбаев, Л.Б.Хван; Мин-во юстиции Республики Узбекистан, ТГЮИ. – Т.: Konsauditinform-nashr, 2006.

3. Безлепкин Б.Т. Уголовный процесс России: учебное пособие. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2006.

4. Белезоров Ю.Н., Рябоконе В.В. Производство следственных действий: учебное пособие. – М.: Изд-во МГУ, 1990.

5. Васильев Л.В. Психологическая культура прокурорско-следственной деятельности: учебное пособие. – Санкт-Петербург, 1998.
6. Володина Л.М., Сидорова Н.В. Уголовный процесс: учебное пособие. 2-изд., исп. и доп. – Тюмень: Изд-во Тюменского гос. университета, 2007.
7. Давлетов А.Д. Прокурорский надзор: учебник. – Нукус. «Билим», 1999.
8. Жиноят процесси: дарслик. Умумий қисм. / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий тахрири остида. – Т.: ТДЮИ, 2008.
9. Зокиров Х.А. Одил судлов ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг назарий муаммолари / Масъул муҳаррир У.Таджиханов. – Т.: ИИВ Академияси, 1998.
10. Зокиров Х.А. Судебная власть и правовая культура. – Т.: ТГЮИ, 1997.
11. Иванкина Н.Е. Основы судебного красноречия (риторика для юристов): учебное пособие. – М.: Юринформ, 2001.
12. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати концепцияси / Масъул муҳаррир: Ғ.А.Абдумажидов-Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор.-Т.: ТДЮИ, 2006
13. Кириллова Н.П. Процессуальные и криминалистические особенности поддержания государственного обвинения в суде первой инстанции: учебное пособие. – Санкт-Петербург, 1996.
14. Нерсесянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси / Масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. – Т.: Адолат, 2003.
15. Мадалиев О.М. Жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўрилишида прокурор иштироки. – Тошкент: ТДЮИ, 2005.
16. Мингбоев У.Қ. Суд – шундай ҳокимиятки. – Т.: Шарқ, 1999.
17. Миллий ғарезсизлик идеяси: тийкарғы түсиник хэм принциплер. – Нўқис: Қарақалпақстан, 2001.

18. Организация деятельности судов: учебник. / Под общ. ред. В.И.Лебедева. – М.: Норма, 2008.
19. Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати: дарслик / Б.Х.Пўлатов; масъул муҳаррирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқ. – Т.: O'zbekiston, 2009.
20. Пўлатов Б.Х. Судларда жиноят иши кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти: ўқув кўлланмаси – Т.: Nisim, 2004.
21. Пўлатов Б.Х. Давлат айбловчисининг суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш дастури // Тузувчи: юридик фанлар доктори, проф. Б.Х.Пўлатов. – Т., 2002.
22. Рахлин В.И., Сидарук М.М. Правоохранительная функция прокуратуры. – Санкт-Петербург, 2000.
23. Рустамбоев М.Х., Тухташева У.А. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти ва суд-ҳуқуқ ислоҳоти. – Т.: ТДЮИ, 2009.
24. Савицкий В.М. Прокурорский надзор за дознанием и предварительным следствием: учебное пособие – М., 1992.
25. Уголовный процесс: (Общая часть): Учебник для вузов / Под ред. Е.Н.Никифоровой. – Т.: «Адолат», 2000.
26. Уголовный процесс. Общая часть. Учебное пособие. / Автор-сост.: к.ю.н. У.А.Тухташева. – Т.: ТГЮИ, 2007.
27. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар / Масъул муҳаррир: проф. Ғ.Абдумажидов. – Т.: ТДЮИ, 2009.
28. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.А.Тойчиев. – Т.: Адолат, 2009.
29. Юридикалық терминлердин қарақалпақша түсиндирме сўзлиги / Дүзиўшилер: Қтегенов Ж., Тилеўов Е., Есбергенов Р. – Нўкис, «Қарақалпақстан» баспасы, 2003. – Б. 47-48.

IV. ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР

1. Жовлиев Ф. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари

касбий маданияти тавсифи // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. – 2012. 4(12)-сон. – Т.: Мир полиграфии, 2012. – Б. 22.

2. Коньтов И. Нужна – ли такая состязательность? // Законность. – 1998. - №9. - Б.25-28.

3. Макарова З. Состязательность нужна, но какая? // Законность. – 1999. - №3. - Б.24-27

4. Набиев О. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари касбий маданиятини юксалтириш масалалари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. – 2012. 4(12)-сон. – Т.: Мир полиграфии, 2012. – Б. 6.

5. Одилқориев Х. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида касбий ҳуқуқий маданиятни юксалтириш муаммолари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. – 2012. 4(12)-сон. – Т.: Мир полиграфии, 2012. – Б. 12.

6. Синальников Ю. Полномочия прокурора в доступном производства по новому уголовно-процессуальному законодательству // Законность.- 2002. - №3. - Б.6-10.